Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 115 (20. 682) • 1990 йил 20 май, якшанба • Баҳоси 3 тийин.

Ўзбекистон Компартияси XXII съезди олдидан

КЎРСАТМА ЭМАС, КЎМАК КЕРАК

Съезд минбарига

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасини синчиклаб ўқиб чиқиш жараёнида менда баъзи мулоҳазалар туғилди. Қуйида ана шулар ҳақида тўхталмоқчиман.

Кейинги даврда, хусусан турғунлик йилларида халқнинг турмуш даражасига бефарқ қаралгани, турмушдаги муаммоларнинг вақтида ҳал этилмаганлиги меҳнаткашларнинг партияга бўлган ишончини шубҳа остига қўйди. Афсуски, бундай аҳвол бизнинг республикамизда қайта қуришга киришилган даврда ҳам турли кўринишларда давом этди.

Ҳозирги мураккаб жараёнда партия обрўсини пасайтириш кимларгадир қўл келиши аниқ. Шу мақсадда баъзи уринишлар бўлаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Партия обрўси мисқоллаб йиғилган ва уни сочиб юборишга ҳеч бир коммунистнинг ҳакки йўқ. Шунинг учун ҳам Марказий Комитет Ҳаракат дастури лойиҳасини муҳокама қилиш жараёнида ҳар биримиз партиявий ишда қандай ўзгариш қилиш лозимлиги ҳақидаги фикримизни баралла айтишимиз ва буни амалда исботлашимиз керак.

Шу ўринда районимиз коммунистлари амалга ошираётган ишлар ҳақида тўхталиш жоиз. Ўтган йили бевосита халқ билан ошкора мулоқотда бўлиш мақсадида барча хўжаликларнинг марказий қўрғонлари ва посёлкаларида «Очиқ хатлар куни» ўтказилди. Идеология комиссиясида тузилган ташвиқот группалари бугунги кунда истиқомат жойларида, меҳнат коллективларида Ўзбекистон Компартиясининг Ҳаракат дастурини кенг тарғиб қилмоқда. Бевосита коммунистлар ташаббуси билан ўтказилаётган «Оталар ҳурмати», «Оналар шуҳрати», «Бир пиёла чой устида» каби мунозарали учрашувлар, миллий анъаналарни тиклаш борасида қилинаётган ишлар маъқул бўлаётир. Шунинг учун бўлса керакки, коммунист-раҳбарлар билан бўладиган учрашувларга аҳоли алоҳида тайёргарлик ва ташаббус билан келмоқда. Сирасини айтганда, бундан уч-тўрт йил олдин бирор йиғилиш ўтказиш учун халқни тўплаш анча мушкул бўларди. Коммунистлар ва партиясизларнинг айрим норасмий уюшмалар фаолиятига нисбатан муносабатлари ҳам район партия комитети тутаётган йўлнинг улар томонидан қўллаб-қувватланаётганлигини кўрсатиб турибди.

Партиянинг жиплигини таъминлаш, унинг обрўсини кўтариш кўп жиҳатдан бошланғич партия ташкилотларининг коллективда тутган ўрни ва жанговарлигига боғлиқ. Бу ишда бошланғич ташкилотларнинг жанговарлик кўриги айниқса, таъсирчан тадбир бўлди. Коммунистларга нисбатан талабчанлик ошди. Лоқайд бўлаётган, революцион ўзгаришларда фаол иштирок этишдан ўзини четга олаётган партия аъзоларига нисбатан жиддий чоралар кўрилди. Бир йилда бир неча КПСС аъзоси партия сафидан чиқарилди. Бошланғич партия ташкилотларида эса 7 нафар КПСС аъзолигига номзод партия сафидан ўрин олишга нолойиқ деб топилди.

Ўрни келганда шуни ҳам айтиш керакки, ҳозирги шароитда партия обрў-эътиборини кўтаришда, унинг халқ билан алоқасини мустаҳкамлашда тўпланган бой тажрибалар, янгиланиш ва қайта қуриш борасида йўл қўйилаётган жиддий нуқсонлар, уларни келтириб чиқарган сабаблар чуқур ва изчил ёритиб борилса маъқул бўларди. Негаки, партия ходимлари ўз иш услубларини мунтазам такомиллаштириб боришлари учун методик ёрдамга муҳтожлар. Демоқчиманки, бугунги кунда партия ходимининг эркин, ўз навбатида дадил ҳаракат қилиши учун юқори ташкилотларнинг кўрсатмаларидан кўра, кўпроқ амалий ёрдами ва сабоқ бўладиган тажрибалар зарур.

А. ТУРДИҚУЛОВ,
Зарбдор район партия комитетининг биринчи котиби.

«Фотоконкурс—90»



ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИ. В. Баскаков.

Водий истиқболи: илк тажриба

ИЗЛАНИШ

Андижон вилоятидаги Ленинск шаҳрида меҳнаткашларни уй-жой билан таъминлаш ва аҳолига шахсий томорқалар бериш борасида кўпгина тадбирлар амалга оширилди. Шаҳарда Уй-жой программасини тезроқ бажариш учун ҳозирги кунда 10 минг 770 оилага ер участкаси ва томорқа ажратиб берилди. Бу эса ўз навбатида меҳнаткашларнинг уй-жойга бўлган талабларини қондириш йўлида қилинган дастлабки катта қадамдир. Бундан шаҳар аҳолиси мамнун.

Бироқ ер ажратиб берилгани билан қурилиш материаллари етишмаслиги анчагина муаммоларни келтириб чиқаряпти. Бу соҳада аҳолига қандай амалий ёрдам кўрсатилмоқда? Биз ана шундай савол билан халқ депутатлари Ленинск шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси М. Ғофуровга мурожаат қилдик.

— Ҳозир меҳнаткашларга қарзлар беряпмиз. Бунинг учун, аввало, шаҳар ижроия комитетида халққа бериладиган фондларни тақсимлаш, уларни ер олган аҳолига тўғри ажратишни қаттиқ назоратга олдик, — деди М. Ғофуров. — Россия Федерацияси ҳамда унинг турли областлари билан шартномалар тузиш асосида халқимизга қурилиш материаллари етказиб бериш чораларини кўряпмиз. Бугунги кунда РСФСРдан цемент, ғишт ҳамда қувурлар келтирила бошланди.

Давлат томонидан бериладиган қарзларни бу йил ҳам ўтган йилдагидан анча кўп ажратиш кўзда тутилмоқда. Буни тўғри тақсимлаш ўз навбатида ижроия комитетлар фаолиятига боғлиқ, албатта. Биз жойларда қаттиқ назорат ва навбат асосида ижтимоий адолат принципларига риоя қилган ҳолда ер тақсимладик. Энди ундан унумли фойдаланилаётганлигига эътиборни қаратмоғимиз лозим.

Шаҳардаги иккинчи муаммо — аҳолини иш билан таъминлаш масаласи. Бу муаммо анча оғир. Чунки ҳар бир квадрат километрга 572 киши тўғри келади. Шаҳар аҳолиси ҳар йили 3700 кишига кўпаймоқда. Бинобарин, буни ҳисобга олган ҳолда иш жойлари ташкил этиш керак. Ҳозирча 700 кишини иш билан таъминлашга тўғри келяпти. Ана шуни назарда тутиб, шаҳарда Андижон нитрон заводининг филиалини ҳамда момиқ фабрикасини қуриш планлаштирилди. Ишлаб чиқариш учун майдон ҳам ажратилди. Унинг қуриб битказилишини кутиб ўтирмасдан, Андижон нитрон заводи раҳбарлари билан келишиб, филиал ишга тушгунча 100 кишини иш билан таъминлаш чораси кўрилди. Қўшимча жой ажратилди.

Иккинчидан, шаҳарда «Андиз» заводи ҳам бор. Уни ҳам анча кенгайтириш режалари кўзланяпти. Уйда ўтирган аёлларни иш билан таъминлаш мақсадида ҳозирги кунда 6 мингга яқин хотин-қизлар билан шартнома тузилиб, уларга меҳнат дафтарчалари очиш, кичик-кичик цехлар ташкил этиш ҳамда касаначилик фабрикаларини кенгайтириш йўллари қидириб топилди. Шаҳар корхоналарида 3 та янги филиал ва кўпгина цехлар ташкил этиляпти.

Излаган имкон топар экан. Шаҳар ижроқоми меҳнаткашлар фаровонлигини ошириш йўлида изланяпти. Бунинг натижасида ленинскликлар олдида турган бир қатор муҳим масалалар ўз ечимини топяпти.

Ҳ. ТОЖИМАТОВ.

Факт ва шарҳ

ПОЗНАНЬ ЯРМАРКАСИДА БИРИНЧИ МАРТА

10 июнь куни Польшанинг Познань шаҳрида очиладиган халқаро ярмаркада Ўзбекистон ССР биринчи бор катта кўргазма билан қатнашади. Республикамиз ютуқларини намойиш қилиш учун 300 квадрат метрли майдон ажратилади. Бу ерда Ўзбекистон енгил, маҳаллий, озиқ-овқат саноати корхоналарида тайёрланган маҳсулотларнинг мингга яқин намунаси, Фанлар академияси ва олий ўқув юртларининг ишланмалари намойиш этилади. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик давлат-кооператив комитети, «Совпластитал» Совет—Италия қўшма корхонаси, Тошкентдаги «Компрессор» заводи ҳам ўз маҳсулотларини кўрсатади.

Познань ярмаркасининг бош директори Станислав Ласковски ва унинг тижорат ишлари директори Грегор Туркевич кўргазма экспонатлари билан танишиш учун Тошкентга келди.

(ЎзТАГ).

ЎзТАГ мухбири Познань халқаро ярмаркасининг бош директори билан учрашиб, ундан ўз таассуротларини сўзлаб беришни илтимос қилди:

— Биз Ўзбекистон ССРнинг ярмаркамизда иштирок этишидан хурсандмиз. Бу ҳар икки томон учун манфаатлидир. Биринчидан, республикангиз корхоналари Познанда ўз экспорт имкониятларини синаб кўришлари, ўзаро манфаатли шартномалар тузишлари мумкин. Иккинчидан, кўпгина чет эл фирмаларининг вакиллари Ўзбекистон қандай имкониятларга эга эканлигини яхшироқ билиб олишади. Польша савдо-саноат доиралари сизнинг корхоналарингиз билан алоқаларни кенгайтиришдан манфаатдор.

Ўзбекистон ярмаркамизда янги меҳмон бўлишини тушунамиз. Шунинг учун ҳам сизларга ёрдамлашишга ҳаракат қиламиз. Сизларнинг Познанга илк бор келишингиздан чин дилдан хурсандмиз. Кўргазмангизга қараганда, сизнинг биринчи иштирокингиз муваффақиятли бўлиши керак.

Ўзбекистон ССР Савдо-саноат палатаси президиумининг раиси Д. Мирсаидова эса шундай фикр билдирди:

— Тан олиш керакки, Познань ярмаркасига тайёрланишда биз ҳали ўз имкониятларимизнинг ҳаммасидан фойдаланганимиз йўқ. Сирасини айтадиган бўлсак, биз эндигина чет эл бозори ҳавосини олаяпмиз. Олдинда Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантириш юзасидан жуда катта ишлар турибди. Бизда ўз маҳсулотини чет элга сотиш учун таклиф қила оладиган корхоналар анчагина. Яна бир муҳим нарсани таъкидлаб ўтмоқчиман: ярмарка ишида қатнашадиган мутахассислар манфаатдор кишилар билан республикада чет элларнинг илғор технологиялари асосида ишлайдиган кичик ва ўртача катталикдаги турли хил корхоналарни барпо этиш тўғрисида музокаралар олиб боришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган.

ҒАЛЛА МУАММОСИ— МУАММОНИНГ ЎЗАГИ

СССР Олий Советининг комитетлари ва комиссияларида

Мамлакатимиз чет элдан ғалла сотиб олишдан қачон халос бўларкин? Мана, йигирма йил бўлдики, ҳорижий мамлакатлардан ғалла сотиб олиш камайиш ўрнига борган сари кўпайиб бормоқда. СССР Олий Совети аграр ва озиқ-овқат масалалари комитетининг мажлисида шу масала кўндаланг қилиб қўйилди. Комитет давлатнинг ушбу соҳадаги сиёсатининг аҳволи ва истиқболларини муҳокама қилди. Иттифоқ ҳукуматининг вакиллари бу саволга жавоб беришга урониб кўрдилар. Маърузалар қилган СССР ташқи иқтисодий алоқалар министри К. Ф. Катушев ва Министрлар Советининг озиқ-овқат ва харид масалалари давлат комиссияси раисининг биринчи ўринбосари М. И. Тимошишин, шунингдек экспертлар ҳамда парламент аъзоларининг ўзлари саволга жавоб беришга ҳаракат қилдилар.

Тўғри, аввалига айтилган фикр бу ерга келган кишиларнинг кўпчилигини ўйга толдирди: гўё, муаммонинг ҳал этилиши фақат деҳқонларга боғлиқ эмиш. Қанча кўп ғалла етиштирилса, у шунча кам ғалла сотиб олинади. Мантиқли кўринган бундай ёндашув ниҳоятда жўн эканлиги эътироф этилди. Чет элдан олинадиган ғалла муаммосининг асоси бир қарашда тасаввур этилиши мумкин бўлганига нисбатан анча чуқур эканлиги кўриниб қолди. Депутатларнинг мазкур тайёргарлик комиссияси мажлисига тайёрланган изчил таҳлил ҳам, масалани муҳокама қилишнинг ўзи ҳам бундан далолат беради, ҳолбуки, бу масалани аввалги сессияда эшитиш мўлжалланган эди.

Дарҳақиқат, ватан ғалла хўжалигида хоҳлаганингизча хато ва камчиликлар топилади. Булар ҳақида сўзга чиққан ҳар бир киши гапирди. Донли экинлар майдони жиҳатидан жаҳонда учинчи ўринни эгаллаб турсакда, киши бошига ғалла етиштириш бўйича тўққизинчи ўринга тушиб қолганлигимизни таъкидламоқчимиз. Бир ҳаваскор, бу соҳани юзаки тушунадиган киши нуқтаи назаридан қараганда, озиқ-овқат таъминоти даражаси юқоридаги кўрсаткичга бевосита мутаносиб бўлиши керак эди. У аслида қандай эканлигини ҳар бир киши дўконларимизнинг пештахталарида кўриб турибди.

Умуман овқатланиш масаласини бир чеккага қўйиб турайлик. Бугунги кунда шу даражада етишмаётган оқсил маҳсулотлари хусусидагина фикр юритайлик. СССР халқ депутати Г. В. Кулик гўшт танқислиги сабабларини ҳам маълум даражада ойдинлаштирадиган қишлоқ хўжалигида ем-хашак етиштириш ва уни истеъмол қилишга доир қизиқарли рақамларни мисол келтирди. Европа иқтисодий ҳамжамияти мамлакатлари билан таққосланганда, биз, умуман кўп кўрсаткичлар бўйича орқада қолмаслигимиз маълум бўлди. Фақат ғалла запасларининг оқсил баланси бундан мустаснодир — оқсил моддаларига бой озуқа ҳар йили деярли ўн баравар кам бўлмоқда. Афсуски, оқсил миқдорини кўпайтириш учун чет элдан дон сотиб олиш аслида умумий манзарангина акс эттирмоқда. Чет элдан асосан бугдой сотиб оляпмиз. Озуқа учун харид қилинаётган дон орасида маккажўхори асосий ўринни эгаллайди, бу тушунарли, албатта. Масала яна шу таҳлитда қўйилди: биз тайёр маҳсулотларни, масалан, гўштни сотиб олганимиз яхши эмасми? Ёки озуқа-еммнинг оқсилини кучайтирадиган турли қўшимчаларни харид қилишга нима учун кўпроқ эътибор бермаслик керак? Хуллас, муаммонинг жиҳатлари кўп.

Ҳозирча ташқаридан харид қилмасликнинг иложи йўқ экан, энг аввало бу ишда ҳам тартиб ўрнатиш керак. Зотан, биз унчалик яхши бўлмаган дон учун кўпинча валюта сарфлаётганлигимиз маълум бўлиб қолганлигини айтайлик. Уни ташиб келтираётганимизда неча мингдаб тоннаси нобуд бўлади. СССР Денгиз флоти министрлиги ишларни ташкил этишда йўл қўяётган камчиликлар сабабли, ҳар йили эркин муомаладаги валютага чет эл кемаларини ижарага олиш учун юзлаб миллион сўм пул сарфлашга мажбур бўлянти, деди министр ўринбосари Н. П. Цах. Системамиз шундай тузилган, ўз кемаларимиз шуни уддалай олмаяпти.

Афсуски, ташқаридан дон ортилган карвонлар ҳаракатини тўхтатиб қўйиш учун бўлган ўтган йилги урониш унчалик натижа бермади. Ўтган йилнинг кузида мамлакат ичкарисида валютага ғалла сотиб олиш тўғрисида анча кечикиб чиққан қарорнинг, очиғини айтайлик, фойдаси бўлмади. Колхоз ва совхозлар 89 йил ҳосилидан давлатга эркин муомаладаги валютага 300 минг тоннадан камроқ кучли, қаттиқ ва қимматбаҳо навлардаги бугдой сотдилар ёки бу харид қилинган барча ғалла ҳажмининг бир фоиздан камроғини ташкил этди.

Ушбу чалакам-чатти қарор бу йилги ўрим-йиғим фаслида ҳам самара беришига унча умид қилиб бўлмайди. Уни амалга ошириш борасида фақат қўшимча тадбирлар эмас, айни вақтда янги, ўзига хос қадам ташланиши кераклиги маълумдир. Энг аввало адолатли нархларга, хўжаликларга валюта тўлаш омилларини яратишга ва ундан самарали фойдаланиш учун шарт-шароит туғдиришга алоҳида эътибор бериш керак, деб ҳисоблашмоқда деҳқонлар. Чунки энг уддабурон раислар ва директорлар ҳам ғалла омборга жўнатилгандан кейин ярим йил ўтгачгина СССР ташқи иқтисодий банкида тегишли ҳужжатларни расмийлаштира олдилар.

Парламент аграр комитетининг мазкур масалани муҳокама қилиш натижалари юзасидан чиқарган қарорида умумиттифоқ «Дон» программаси қабул қилинишини тезлаштириш, шунингдек келажакдаги режаларда муаммонинг барча жиҳатларини ҳисобга олиш учун ташқаридан озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш сиёсатини такомиллаштиришга доир таклифларни СССР Олий Советига тақдим этиш назарда тутилган. Аввалари кўп жиҳатдан ҳукумат ва бошқа органларнинг ҳуқуқ доирасида бўлган бу соҳани энди СССР халқ депутатлари қаттиқ назоратга оладилар.

А. ДЗЮБЛО,
ТАССнинг парламентдаги мухбири.



Ҳамид Олимжонга ҳайкал ўрнатилди

«Мен ўзбек халқи номидан сўзлайман...» Ҳаммага ҳам бундай сўзларни айтиш насиб қилавермайди. Ҳамид Олимжон ана шундай ҳуқуққа эга бўлган эди. Бутун истеъдоди, илҳоми, куч-қувватини жонажон халқига бахшида қилган адиб ўз ижоди, бутун ҳаёти билан ватанпарварлик ва гражданлик туйғуларини қарор топтирди. Халқимиз ўз ажойиб фарзандининг ёрқин хотирасини ҳамиша ёдда тутади, унинг миллий маданиятимизга қўшган ҳиссаси ўзбек совет адабиётида бутун бир даврни ташкил этади.

«Водийларни яёв кезганда, бир ажиб ҳис бор эди менда, чаппар урриб гуллаган боғин, ўпар эдим Ватан тупроғин...» Ҳамид Олимжон бундан эллик йил муқаддам яратган ушбу сатрлар у яшаб ижод этган она заминда яна янгради: 19 май куни Ўзбекистон пойтахтида атоқли сўз устасининг ҳайкали очилди. Мармар шоҳсупага шоирнинг бронзадан ясалган қиёфаси ўрнатилган. У дўстларини гўё суҳбатга чорлаётгандек, елкасида эса ўз асарларида куйлаган, тараннум этган хумо қушлари — бахт ва илҳом қушлари — семурғлар қўниб олган. Бу ёдгорликнинг муаллифлари ҳайкалтарош Я. Шапиро билан меъмор С. Одиловдир. Ҳайкал унинг мўътабар номига қўйилган метро бекати олдидаги Ҳамид Олимжон номли майдонда ўрнатилди.

Ҳайкалнинг тантанали очилиш маросимида шаҳар жамоатчилигининг вакиллари, Ўзбекистон адабиёти ва санъатининг таниқли намояндалари, қардош республикалардан келган меҳмонлар, шоирнинг қариндош-уруғлари ва ёру биродарлари қатнашдилар.

Ушбу воқеага бағишланган митингни Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Шоабдураҳимов очди. Уруш ва меҳнат ветеранлари республика кенгашининг раиси Р. Ғуломов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Ғулом, Тожикистон халқ ёзувчиси Фотиҳ Ниёзий, шоира Ойдин Ҳожиева, ҳайкалтарош Яков Шапиро Ҳамид Олимжон ҳақида сўзладилар. Ҳайкал пойига анвойи баҳор гуллари қўйилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби Ж. Ҳ. Ҳамидов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ў. Р. Умарбеков ҳайкал пойига саватларда гуллар қўйдилар.

Машҳур рус совет ёзувчиси К. Симонов ўзининг ўзбек биродари ижоди тўғрисида гапириб, «ҳақиқий шеъриятнинг йўли ҳамма вақт инсон босиб ўтадиган йўлдан узунроқ бўлади», деб айтган эди. Вақт ушбу сўзларнинг нақадар башоратли эканлигини исботлади. Ҳайкал Ҳамид Олимжон таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан жумҳуриятимизда ўтказилаётган тантаналли кунларда очилди.

Э. ТУХВАТУЛЛИНА,
ЎзТАГ мухбири.

Суратда: Ҳамид Олимжонга ўрнатилган ҳайкал.
ЎзТАГ сурати.

Ўзбекистон Компартияси ҳаётидаги муҳим босқич

Жумҳуриятда вилоят партия конференциялари бўлмоқда. Бундай конференциялар Сурхондарё, Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Фарғона вилоятларида бўлиб ўтди. Қорақалпоғистон АССР коммунистлари ҳам ўз конференцияларини ўтказдилар.

Коммунистлар вилоят партия комитетларининг ҳисоботларини муҳокама қилдилар, раҳбар органларни, Ўзбекистон Компартияси XXII съезди ва КПСС XXVIII съездига делегатлар сайладилар. КПСС ва Ўзбекистон Компартияси Марказий органлари таркибига вилоят партия ташкилотларидан номзодлар кўрсатилди.

Вилоят партия конференциялари ишида: Қаршида — Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов, Наманганда — Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси М. И Иброҳимов, Бухорода — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби А. С. Ефимов қатнашдилар ва нутқ сўзладилар.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

19 май куни Тошкентда область партия комитетининг пленуми бўлди. Пленум қатнашчилари XXIV Тошкент область партия конференциясига обкомнинг ҳисоботини тасдиқладилар.

Пленумда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари С. Мамарасулов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

Область партия конференцияларида

ЮКСАК ТАЛАБЧАНЛИК ВА ОШКОРАЛИК РУҲИДА

Қашқадарё

● Қашқадарё вилояти партия ташкилоти ҳисобот-сайлов конференциясининг бошқа ана шундай тадбирлардан фарқи шунда бўлдики, унинг бутун боришида демократия ва ошкоралик руҳи яққол акс этиб турди. Обком бу галги конференцияга тайёргарлик кўрар экан, ўз ҳисоботи лойиҳасини область матбуотида олдиндан эълон қилди ва бу муҳим ҳужжат бир ҳафта давомида коммунистлар ўртасида чуқур муҳокама этилди.

Энг муҳими, конференция арафасида обкомнинг бюро аъзолари бир қатор шаҳар ва районларда бўлиб, делегатлар олдида ҳисоб бердилар. У. Юсупов районида агросаноат комплекси, Шаҳрисабз шаҳрида социал, Қарши шаҳрида саноат, Ғузор районида мафкура масалалари юзасидан қизғин баҳсмунозаралар бўлди. Делегатлар зудлик билан ҳал этилиши лозим бўлган жуда кўп муаммоларни ўртага ташладилар. Шунга кўра, вилоят партия конференциясида маъруза юзасидан музокаралар унчалик чўзилмади. Сўзга ёзилган 35 делегатдан 11 киши чиқиб ўз фикр-мулоҳазаларини конференция диққат-эътиборига ҳавола этди.

Конференцияда делегатлар обкомнинг биринчи котиби А. Р. Отажоновнинг маърузасини ҳамда область партия ташкилоти тафтиш комиссиясининг ахборотини тингладилар. Шунингдек, КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури ва КПССнинг янги Устави лойиҳалари ҳар бир моддаси ва ҳар бир сатри катта қизиқиш билан муҳокама қилинди, муҳим таклифлар ўртага ташланди.

Маърузачи ва сўзга чиққан нотиқлар кўпроқ шу куннинг энг долзарб масалалари ҳақида тўхталдилар. Маълумки, қайта қуриш илгари сураётган вазифалар, ижтимоий-сиёсий вазиятнинг мураккаблиги область партия комитетидан ишда юксак даражада ташкилотчилик кўрсатиш ва оқилона иш юритишни, ўзгариб бораётган жараёнларни тўғри баҳолашни, юзага келаётган муаммоларни ҳал этиш бўйича тўғри қарорлар қабул қилиш ва партиявий иш услубларини такомиллаштириб боришни талаб этади. Қайта қуришни сиёсий жиҳатдан таъминлаш масалалари беш марта обком пленумларида, 36 марта бюро мажлисларида, икки марта эса фаоллар йиғилишида кўриб чиқилди. Қабул қилинган қарорларда партия комитетлари ва коммунистлар раҳбар ходимларнинг масъулиятини ошириш, хўжалик юритиш ва социал тармоқни тубдан яхшилаш аниқ кўрсатилган. Бироқ ана шу қарорларнинг кўпи қоғозда қолганлиги ҳам сир эмас. Вилоят партия комитети ижро назорати, сўз ва иш бирлигини таъминлашда туб бурилиш ясай олмаяпти. Партия комитети ҳисобот даврида иқтисодий, кадрлар ва маънавий имкониятлар юксак самара беришига эриша олмади. Сайлаб қўйилган органнинг баъзи аъзолари жуда суст ишладилар. Обком бюроси аъзоларининг айримлари етилган, энг долзарб масалалардан, вилоятдаги ишлар учун шахсий масъулият сезишдан, конкрет масалаларни ҳал этишдан ўзларини четга олишни афзал кўрдилар.

Тўғри, демократик ўзгаришлар жараёнида партия қуйи ташкилотлари структурасини такомиллаштириш, партияга қабул, партиявий-сиёсий ишларни қайта қуришда кенг имкониятлар яратилди. Обкомнинг кадрлар номенклатураси 30 фоизга, хўжалик органлари ишини такрорловчи тармоқ бўлимлари бутунлай қисқартирилди, вилоят партия комитети аппарати ходимлари сони 50 фоиз, шаҳар ва район партия комитетлари аппарати ходимлари сони эса 15 фоизга камайди.

— Аммо кадрларни танлашда обком сусткашлик кўрсатяпти, — деди Косон район партия комитетининг биринчи котиби Қ. Тўйчиев. — Бундай оқсаш эса ўз навбатида жойларда гуруҳбозлик каби иллатларнинг вужудга келишига сабаб бўляпти.

— Шахсий манфаат учун, лавозим учун сайловлар даврида қавм-қариндошдан, дўстларидан ажралишгача борган раҳбар кадрлар ҳам кўзга ташланди, — деди Ғузор районидаги «Дружба» совхози партия комитети котиби А. Каримова. — Ахир, қачонгача бундай кадрлар билан муросасозликка борамиз.

Очиғини айтганда, конференция арафасида ўтказилган пленумда бошқа ишга ўтганлиги учун вазифасидан озод этилган обкомнинг собиқ иккинчи котиби М. Солдатов ва бюронинг собиқ аъзоси, ташкилий-партиявий иш ва кадрлар билан ишлаш бўлими мудири И. Н. Листопазов юз бераётган жараёнларга ҳамиша ҳам етарли таъсир кўрсатмадилар, ташаббусни қўлдан бериб қўйдилар. Масалан, Муборак шаҳар ва Ульянов район партия ташкилотларида вазиятни соғломлаштириш юзасидан ўз вақтида чоралар кўрилмади. Натижада бу жойларда маҳаллийчилик ва гуруҳбозлик кўринишлари кучайиб борди. Бу нарса ҳисобот-сайлов конференциялари давомида ҳам кўзга ташланди. Афсуски, ана шу вазиятда жиззакликни кучайтиришга, зимдан иш кўришга интилган кишилар мавҳум кучлар бўлмай, балки райком аъзолари, раҳбар коммунистлар эканликларини кўрмаслик мумкин эмас эди.

Маърузачи ва сўзга чиққан нотиқлардан Қарши район партия комитети биринчи котиби М. Гелдиева, Косон шаҳридаги З. Космодемьянская номли мактаб ўқитувчиси А. Волгов, область ветеранлар кенгаши раиси С. Усмонов ва бошқа делегатлар вилоят партия комитети фаолиятида ишга янгича ёндашишларни жорий этиш билан бирга айрим ҳолларда маъмурий-буйруқбозлик услуби ҳам сақланиб қолганлигини кескин танқид қилдилар. Қуйи бўғинлар ишига, айниқса, сиёсий кампаниялар даврида бўлар-бўлмасга аралашавериш одати барҳам топмаяпти, ҳар хил статистик ҳисоботларни талаб қилиш камаймаётир.

Демократиялаш шароитида кадрлар билан ишлашда янгиланишга эришиш, айниқса, муҳимдир. Бу партиянинг янги Устави лойиҳасида ҳам алоҳида қайд этилган. Лойиҳа муҳокамаси жараёнида кўплаб аниқ, принципиал таклифлар киритилди. Жумладан, партия юқори органларининг партия қуйи ташкилотлари олдида ҳисоб бериб боришини аниқроқ белгилаш, ахборот беришнинг янги механизмини ишлаб чиқиш тавсия қилинди.

— Янгиланиш даврида янгича шароитда ишлашга тўғри келади, — деди музокарада Шаҳрисабз шаҳар партия комитетининг биринчи котиби Ф. Омонов. — Шунга кўра КПСС Уставининг биринчи моддаси лойиҳадагидек бўлиши мақсадга мувофиқ эмас. Партия қарорларини бажараётган кишиларгина КПСС аъзоси бўлишини қатъий қилиб қўймоқ лозим. Шунингдек, сўз ва иш бирлигини таъминлаш КПСС Устави ва Марказий Комитетнинг Ҳаракат дастурида ўз ифодасини аниқ топмоғи керак. Сир эмаски, демократия ва ошкоралик шароитидан фойдаланган баъзи раҳбарлар ошна-оғайнигарчиликка зўр бермоқдалар. Бу эса партия ташкилотларининг кадрлар билан ишлаш борасидаги фаолиятига жиддий салбий таъсир ўтказяпти.

Область комсомол комитетининг биринчи котиби М. Сайидмуродова ҳам шу фикрни давом эттирди:

— КПСС Устави лойиҳасини шундайлигича қабул қилиб бўлмайди. Унда демократик централизм принципини, албатта кучайтириш лозим. Кундалик ишга келсак, областимизда комсомолга партиявий раҳбарликнинг ҳозирги даражаси мутлақо талабга жавоб бермайди. Ана шунинг оқибатида комсомолда тарбияланган кадрлар тўғри келган жойга ишга кетиб қолмоқдалар. Ҳолбуки, буларнинг кўпчилик қисмидан жойларда самарали фойдаланиш мумкин.

Конференция қатнашчилари область партия комитетининг мафкуравий фаолияти ҳисобот даврида юз бераётган ўзгаришлардан кўпинча орқада қолаётганлигини таъкидладилар. Идеология комиссияси тарбиявий ишларни яхшилашнинг изчил йўлларини топа олмади, кўпинча мажлислар ўтказиш билан чекланиб қолмоқда. Конференцияда мафкуравий, оммавий-сиёсий ишларга янгича ёндашувларни жорий этишда сусткашлик қилаётган обком котиби С. Мирова ва мафкуравий бўлим мудири Ш. Мансуровалар номига жиддий танқидий фикрлар билдирилди.

Қашқадарё вилоятининг иқтисодий харитасига назар ташлаган киши вилоят иқтисодиёти жадал суръатлар билан ривожланаётганлиги гувоҳи бўлади. Вилоят партия ташкилотлари партиянинг социал-иқтисодий сиёсатини амалга ошира бориб, ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилашга асосий эътиборни қаратмоқдалар. Ўтган бир ярим йил ичида саноатда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 1 миллиард 858 миллион сўмликка кўпайди. Меҳнат унумдорлиги 2,8 фоиз ўсди. Аграр секторда кейинги икки йил давомида маҳсулотларнинг ялпи миқдори 2 миллион сўмликни ташкил этди. Бу аввалги йиллардагиларга нисбатан 18 фоиз кўпдир. Шу билан бирга Баҳористон районидаги «Ўзбекистон» давлат наслчилик заводи бош чўпони Ч. Берноев, У. Юсупов районидаги Ульянов номли совхоз пахтачилик бригадаси бошлиғи Г. Мўминова, вилоят ижроия комитети раиси Т. Хидиров областни социал-иқтисодий ривожлантиришда жиддий камчиликларга йўл қўйилаётганлигини танқид қилдилар. Ер ва сувдан нотўғри фойдаланиш, қишлоқ меҳнаткашларининг фаровонлигини ошириш билан боғлиқ муаммолар ҳал этилмаётганлиги аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда.

Конференция давомида, бу муҳим тадбирни ўтказишда жиддий нуқсонларга йўл қўйилгани маълум бўлди. Обком аъзоларини сайлашда эскича ёндашувга барҳам берилмаганлиги оқибатида овоз бериш бир мунча чўзилди. Обком аъзолари ва съездларга делегатларни кўрсатишда муқобиллик бўлмади. Ҳатто бир хўжаликдан икки кишининг вилоят партия комитети таркибига киришига ҳам йўл қўйилди. Худди шундай воқеа Ўзбекистон Компартияси XXII съездига ва КПСС XXVIII съездига делегатлар кўрсатишда ҳам рўй берганлиги кўпчиликни ташвишлантирди.

Конференцияда Ўзбекистон ССР Президенти, жумҳурият Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов нутқ сўзлади. Конференция ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раиси ўринбосари У. Қ. Исмоилов қатнашди.

Вилоят партия комитетининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Ёпиқ-яширин овоз бериш йўли билан А. Р. Отажонов обкомнинг биринчи котиби, Б. М. Рустамов иккинчи котиб, Н. Зайниев, С. Ж. Мирова, Х. Раҳмоновлар обком котиблари этиб сайландилар.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ИШОНЧ ҚОЗОНИШ УЧУН ИШЛАШ КЕРАК

Сурхондарё

● Кўпгина йиғилиш ва суҳбатларда «қайта қуриш бир жойда депсиниб турибди. Партия ташкилоти ўзини қайта қурмаса, бирон соҳада ҳам силжиш бўлмайди», деган гап-сўзлар ботбот қулоққа чалинмоқда. Ростдан ҳам бир жойда депсиниб турибмизми? Наҳотки ҳеч бир соҳада силжиш содир бўлмаса?

Иқтисодиётда танглик, социал соҳа ёмон аҳволда. Демократия ва ошкоралиқни суиистеъмол қилиш ҳаракатлари содир бўляпти. Хўш, ана шундай вазиятда партия ташкилотларининг ўрни ва мавқеи қандай бўлмоғи лозим? Партиянинг бирлиги ва жипслигини таъминлаш, обрўсини ошириш учун коммунистларнинг вазифалари нималардан иборат?

Маърузачи, вилоят партия комитети биринчи котиби Х. Бердиев ва музокарада сўзга чиққан нотиқлар нутқларида шу каби энг муҳим саволларга жавоб изланди.

Айни пайтда инсон тарбияси бош вазифа қилиб қўйилди. Бу тўғри, албатта. Партия ташкилоти энг аввало инсон тарбияси билан шуғулланмоғи керак. Лекин теварак-атрофда муаммолар қалашиб ётган бир пайтда жуда кўп изланишга, иш усули ва услубларини йўл-йўлакай ўзгартириб боришга мажбур бўлиняпти. Вилоят партия ташкилоти ўзининг тарбиявий, мафкуравий ишларини ҳам иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш билан узвий қўшиб олиб бормоқда. Олдинги йилларда обком бюро мажлисларида коммунист раҳбарлар ҳисоботи тингланганда кўпроқ хўжалик ишлаб чиқаришда эришилган муваффақиятларга қараб уларнинг ишларига баҳо берилларди. Кейинги пайтларда ҳаётда ўзини оқламаган бу тажрибадан бутунлай воз кечилди. Энди кўпроқ партия ташкилотининг мавжуд камчиликларини бартараф қилишда коммунистлар кучи, билими ва тажрибасидан қандай фойдаланиладётганлигига эътибор қаратиляпти. Бу партия ходимини, биринчидан, кабинетдан халқ орасига чиқишга, аҳволни турли маълумотлар ёки телефон орқали эмас, балки ўша жойнинг ўзида ўрганишга мажбур қилаётган бўлса, иккинчидан, уни иқтисодий таҳлил билан жиддий тарзда шуғулланишга даъват этаётир.

— Биз яширмаймиз, — деди обкомнинг биринчи котиби Х. Бердиев, — орамизда ҳамон маъмурий буйруқбозлик услубидан воз кечишни хоҳламаётган раҳбарлар ҳам бор. Бизнинг воҳа одамларида ҳали раҳбарга нисбатан ҳурмат, уларга ишонч кучли. Улардаги шу ишонч ва ҳурматни оқлаш учун курашмоқ лозим. Ангор район, Денов шаҳар, Қумқўрғон районидаги «Москва» колхози, Шеробод районидаги «Октябрь 60 йиллиги», «Коммунизм» совхозлари партия комитетлари буйруқ ва кўрсатмалар бериш билан эмас, балки кишиларни қайта қуришда фаол иштирок қилишга ундаш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишини таъминладилар.

Партия ташкилоти меҳнатчини ўз ортидан эргаштириши учун кўпдан-кўп муаммоларни ҳал қилиши керак. Конференцияда мавжуд муаммолар ва уларни бартараф қилиш йўллари ҳам чуқур таҳлил этилди. Воҳада асосий тармоқ — деҳқончиликдир. Бу ерда саноат йўқ ҳисоби. Бу соҳани ривожлантириш ҳақида ҳеч ким бош қотирмаган. Жумҳурият томонидан ҳам, Иттифоқ томонидан ҳам нуқул пахта, сабзавот, узум ва мева маҳсулотлари етказиб бериш талаб қилинди. Оқибатда вилоят иқтисодиётида бир ёқламалик авж олди. Энг таажжубланарли жиҳати шундаки, аҳоли ўзи етиштирган маҳсулотни ўз рўзғорига ишлата олмади. Воҳа партия ташкилоти мамлакатга бир миллион тонна сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш ташаббуси билан чиқди-ю, аммо аҳолини гўшт, ёғ, сабзавот, полиз ва мева маҳсулотлари билан таъминлашни унутиб қўйди. Айрим районларда жон бошига бор-йўғи 12 килограмм гўшт ишлаб чиқарилмоқда. Воҳа аҳолиси картошка, сабзавот, хўл мевани нормадагидан 2—3 баравар кам истеъмол қиляпти. Йил бўйи қуёш чарақлаб турадиган бу вилоятда аҳолини шу маҳсулотлар билан етарли миқдорда таъминлаш имконияти бор, албатта. Аммо жаъми ер майдонининг 71 фоизини пахта эгаллаган. Пахта якка ҳокимлигига қачон барҳам берилади? Бу ҳамон номаълум бўлиб турибди.

Воҳада уй-жой муаммоси ҳам жиддий масаладир. Ҳали 13 минг кишининг уй-жой сўраб берган аризаси ҳал этилмаган. Соғлиқни сақлаш, мактаб, маориф, газлаштириш, йўл қурилиши соҳаларида ҳам талай камчиликлар бор.

Конференцияда делегатлар диққати яна бир муҳим масалага қаратилди. Қишлоқ жойларда шундай клуб ва кутбхоналар борки, уларнинг ичкарисига кириш нари турсин, ташқи кўринишига қараб «наҳотки шу бино маданият ўчоғи бўлса?» дейсан киши. Шу ҳақда обком пленуми ва кенгашларида кўп марта гапирилди. Аммо амалий ишдан дарак йўқ. Ваҳолонки, партия ташкилотлари худди шу маданият ўчоқлари орқали меҳнатчиларнинг сиёсий ва маданий савиясини оширишлари керак. Воҳада эса бунинг акси бўлмоқда. Ўз ўтмишимизни билмаслигимиз оқибатида ҳатто айрим тарихий ёдгорликларни йўқотиш даражасига етдик. Ҳарбий бўлинмалар эса баъзи тарихий жойларни машқ майдони ва чиқиндихонага айлантириб қўйдилар.

— Агар аҳвол тўрт-беш йил шундай давом этса, — деди Термиз педагогика институти ректори, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси мухбир аъзоси Н. Тўраев, — биз Термизнинг 4 минг йиллик тарихини бой берамиз. Бу жумҳурият тарихи ҳам йўқ бўлди, деган гап.

— Ҳозир жумҳуриятнинг Компартияси XXII ҳамда КПСС XXVIII съездлари арафасида турибмиз, — деди Денов районидаги генерал С. Раҳимов номли колхоз раиси, Ўзбекистон ССР халқ депутати И. Файзуллаев. — Бутун диққат вилоят коммунистлари жисплигига қаратилиши керак. Уюшқоқлик бўлса ҳамма нарса бўлади. Бошбошдоқлик ҳукм сурган жойдан барака кўтарилади. Партия иши билан хўжалик ишини бутунлай ажратиб ташлаш менимча нотўғридир. Умумий мақсад халқ фаровонлигини оширишдан иборат бўлмоғи лозим. Шундагина партия ташкилоти ҳам барча муаммоларни ҳал қилишда фаол қатнашиш имкониятига эга бўлади. Ҳозир биз 250 колхозчига меҳнат нафақаси бераётирмиз. Боқувчиси йўқ, дардман кексаларга қараш учун медицина ҳамширалари ажратдик. Уларга колхоз кассасидан ойлик тўлаётирмиз. Йўлларни асфальт қилиш, мактаб ва медпунктлар қурилиши давом этмоқда. Колхозчиларга томорқа ажратдик. Уларга қурилиш материаллари етказиб бераётирмиз. Бу ишларни партком аъзолари, коммунистлар билан ҳамкорликда амалга оширяпмиз.

Конференцияда мафкура масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилди. Зотан, аҳолини ғоявий-сиёсий тарбияламасдан туриб қайта қуришнинг муваффақиятини таъминлаш мумкин эмас. Шу боисдан ҳам сиёсий ўқишни ташкил этиш, аҳолининг янгича дунёқарашини шакллантириш ишларини тубдан қайта қуриш лозим. Чунончи, сиёсий ўқишни суҳбат — мунозара, мулоқот тарзида ўтказиш таклиф қилинди. Умуман, партия ташкилоти ишида инсон, унга ғамхўрлик биринчи ўринга қўйилиши керак. Бусиз илгарилаб бўлмайди.

Конференция қатнашчилари диққатини айниқса, Ленин йўли район халқ назорати комитети раиси Ч. Алимовнинг нутқи жалб қилди. У, жумладан, шундай деди: «Конференция минбари мақтанадиган ёки ўз арз-додини айтадиган жой эмас, у — ошкоралик минбари. Айтаверсак, бизнинг районда ҳам муаммолар кўп. Шундай бўлгада вилоят партия ташкилоти мавқеини ва таъсирини бундан кейин қандай қилиб янада ошириш кераклиги ҳақида кўпроқ гапирайлик. Бу муҳим масала». Нотиқ партия ташкилоти обрўсига путур етказган бир тадбир ҳақида тўхталди. «Ўтган йил май ойида КПСС Марказий Комитети котиби Е. К. Лигачев Сурхондарёга келди, — деди у. — Ушанда обкомнинг мажлислар зали олдида сабзавот маҳсулотлари кўргазмаси ташкил қилинди. Бу пайтда бозорда помидорнинг бир килограмми 8 сўм, ўрик 6 сўм, қулупнай — 4—5 сўм эди. Бу кўргазманинг кимга кераги бор эди. Москвадан келган меҳмонга мақтаниш учунми? Бу тадбир шубҳасиз партия ташкилотига обрў олиб келмади. Партиявий ишда ана шундай воқеаларга асло йўл қўймаслик керак».

Яна бир мулоҳаза: айрим нотиқлар, масалан, Бойсун шойи тўқиш фабрикаси тўқувчиси М. Пошшоева «Нега халқ депутатларини сайлашда ҳамма меҳнатчи иштирок қилади-ю, партия ташкилоти етакчиларини сайлашда барча коммунистлар қатнашмайдилар», — деди. Бу ҳам партия ташкилотини обдон ўйлаб кўришга мажбур қиладиган саволдир. Дарвоқе, нега? КПССнинг янги Устави лойиҳасида ҳам бу ҳақда ҳеч нима дейилмаган.

Вилоят партия конференцияси минбаридан яна кўп фикр ва мулоҳазалар айтилди. Булар воҳа партия ташкилотини тубдан қайта қуришни изчиллик билан амалга ошириш, унинг жипслигини таъминлаш ва шу асосда коммунистларнинг ишлаб чиқаришда ва ижтимоий ҳаётда фаоллигини оширишга қаратилган эди. Конференция қарорида таъкидланганидек, бу таклиф ва мулоҳазалар атрофлича ўрганилиб, ҳаётга тадбиқ этилади.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети котиби Р. А. Попов ва жумҳурият президентининг маслаҳатчиси Ш. С. Зиёмов қатнашдилар ва нутқ сўзладилар.

Конференция обкомнинг янги таркибини, назорат тафтиш комиссияси аъзоларини, Ўзбекистон Компартияси XXII съезди ва КПСС XXVIII съездига делегатларни сайлади.

Вилоят партия комитетининг ташкилий пленумида ёпиқ-яширин овоз бериш йўли билан Х. Э. Бердиев обкомнинг биринчи котиби, В. Г. Грабилин иккинчи котиби ва бўлим мудири, М. У. Абдуллаев, Қ. Эшбоев, А. Э. Тўрақулов обком котиблари ва бўлим мудирлари этиб сайландилар.

Н. ҲАЙИТҚУЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

РЕДАКЦИЯДАН: «Совет Ўзбекистони»нинг ўз мухбири Норқул Ҳайитқулов ушбу конференцияда Сурхондарё вилояти «Ленин байроғи» газетаси муҳаррирлигига тасдиқланди ва Ўзбекистон Компартияси XXII съезди делегати қилиб сайланди. Биз ҳамкасбимизга муваффақиятлар тилаймиз.

Ҳамид Олимжон таваллудининг 80 йиллигига

Эл ардоқлар суюкли ўғлин

Шоир ватанида унинг оташин шеърлари тожик, қирғиз, арман, озарбайжон, молдаван, рус, бошқирд ва қрим татар тилларида жаранглади. Қардош шоирларнинг «Ўз эли юрагида яшаётган» буюк шоирга бағишланган шеърлари юбилей тантаналарига ҳамоҳанг бўлиб кетди.

— Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларини кезар эканмиз, шоирнинг «Ўзбекистон» шеъри қандай яратилганлигини қалбан ҳис этгандай бўлдим, — дейди Озарбайжонлик шоир, таржимон Аҳад Мухтор, — Самарқанддан келишда йўл-йўлакай «Водийларни яёв кезганда бир ажиб ҳис бор эди манда» деган, кўнгилга ёқимли ҳис бағишловчи мисралари ҳаёлимни бир эум тарк этмади.

Москва ва Ленинграддан келган меҳмонлар эса шоирнинг ҳамюртлари, қавму қариндошлари билан учрашув чоғида ям-яшил ўтлоқлару, лолақизғалдоқлар билан безанган қир-адирларни шоир юбилейига ўзига хос туҳфа ҳозирлаган мезбонга ўхшатишди. Дарвоқе, шоирнинг юртдошлари ҳақиқатдан ҳам бу онларни орзиқиб кутишганди.

Жиззах районидаги «Москва» колхозида атоқли шоир туғилиб ўсган маҳаллада уй музейининг ташкил этилиши, шоир бюстининг ўрнатилиши, айниқса, қувончли воқеа бўлди. Уй музейи ва бюстнинг тантанали очилиш маросимига тўпланган халқ меҳмонларни шўх ўйин-кулгу, карнай-сурнайлар садолари остида кутиб олди. СССР халқ депутати Одил Ёқубов, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Сарвар Азимов ва вилоят партия комитетининг биринчи котиби Эркин Турсуновлар қизил алвонни кесгач тўпланганлар кўз ўнгида шоирнинг улуғ сиймоси намоён бўлди. Меҳмонлар, шоирнинг ёру дўстлари музей атрофида яратилажак боғга асос солдилар. Бюст атрофига арча дарахтлари, гул кўчатлари ўтказилди.

— Ҳамид Олимжон ижодига, унинг жўшқин ҳаёт йўлига қурмат-эътибор мени жуда тўлқинлантириб юборди, — деди Тожикистон ССР халқ ёзувчиси Жалол Икромий, — икки кун мобайнида шоирнинг илм олиб, дастлабки ижод намуналарини яратган Самарқанд шаҳридаги ҳаёти билан танишгандик. Энди эса унинг туғилиб ўсган юрти, юртдошлари ҳузурида бизни янада ўзгача таассурот қамраб олди. Бу — ажойиб халқнинг ажойиб фарзанди тўйидир. Бундай ҳурмат-эътибор биз каби ижодкорларга ҳам масъулият юклайди, ҳам ўзига хос ибратдир.

«Шоирни тушуниш учун унинг Ватанига бориш керак» деган экан буюк Гёте. Жиззах районидаги Ҳ. Олимжон номли совхоз боғида уюштирилган халқ сайлида иштирок этган ижодкорлар бу ҳақда кўп гапиришди. Шоирлардан Нормурод Нарзуллаев, Сафар Барноев, Туман Бойзоқов, Маъруф Жалил, Шарофат Ботирова ва бошқалар янги шеърларидан ўқиб беришди.

Шуниси диққатга сазоворки, Ҳамид Олимжон туғилган кунининг 80 йиллигини шоирнинг юртида кенг нишонланишига мутасадди бўлган тўйбошилар вилоятда шоир номи, унинг ҳаёт йўли билан боғлиқ барча жойларда — хўжаликлар ва мактабларда, кўча ва майдонларда, истироҳат боғларида ўзига хос ажойиб тадбирлар ташкил этишга эришдилар. Хусусан, бундай тадбирлар Жиззах шаҳрида, Бахмал, Октябрь, Пахтакор, Зомин ва Ғаллаорол районларида кенг жамоатчиликнинг фаол иштирокида ўтди. Юбилей тантаналари сўнггида Юнус Ражабий номли вилоят мусиқавий драма театрида ўтказилган адабий кеча нур устига аъло нур бўлди. Бу ерда бадиий ҳаваскорлик жамоалари, талантли санъаткорлар кеча иштирокчиларига Ҳамид Олимжон шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар гулдастасини тақдим этишди.

Б. САТТОРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

● Туризм

ЮТУҚЛАР ЯХШИ ИШЛАШГА ЧОРЛАЙДИ

Ўзбекистон Саёҳат ва экскурсиялар жумҳурият кенгаши сурункасига икки йилдан бери мамлакатда энг яхши кўрсаткичларга эришмоқда. Мамлакатимизнинг барча гўшаларидан келган меҳмонлар тарихий ва янги шаҳарлар билан, Ўзбекистоннинг ажиб табиати билан, халқимизнинг анъаналари ва урф-одатлари билан танишишга муваффақ бўлдилар. Улар самолётларда, махсус поездларда, автобусларда, ўлкамизнинг энг жозибали ерларига эса қайиқларда, отларда юриб, пиёда саёҳат қилдилар... Уларга ҳамма ерда тарих ва маданиятимизнинг билимдонлари, тажрибали йўлбошчилар ҳамроҳ бўлишди.

Асосий иқтисодий кўрсаткичлар анча юқори бўлди — 1989 йилда саёҳатчиларга кўрсатилган хизмат ҳажми биринчи марта юз миллион сўмликдан ошиб кетди. Аниқроғи эса у 105711,6 минг сўмни ташкил этди, бу эса планга нисбатан уч ярим миллион сўм кўп, демакдир. Ҳудуд кенгашлари, ишлаб чиқариш бирлашмалари, комплекслари, базалар ва бошқа кўпгина корхоналарнинг фойда олиши ортди.

18 май куни ушбу катта коллективга Саёҳат ва экскурсиялар марказий кенгаши билан Маданият ходимлари касаба уюшмаси марказий комитетининг Қизил байроғи тантанали вазиятда топширилди. Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгашининг раиси Ҳ. А. Алимова бу хайрли топшириқни бажарар экан, мукофотланганларни чин дилдан табриклади ва уларга саёҳатчиликни ривожлантиришда янги муваффақиятлар тилади.

Жумҳурият кенгаши кенгайтирилган мажлиснинг қатнашчилари ўз навбатида ҳал этилмаган муаммоларга, ҳали ҳам мавжуд бўлган камчиликларни бартараф этиш тадбирларига, саёҳатчиликни ривожлантириш имкониятларига эътиборни қаратдилар. Кенгаш раиси А. Ф. Саидовнинг маърузасида, нутқларда меҳмонхоналар, кемпинглар, саёҳатчилар базалари тармоғини ривожлантиришнинг, транспорт хизматини яхшилашнинг, ҳар кимга мақбул бўладиган янги саёҳат йўлларини тайёрлашга оид аниқ-равшан тадбирлари белгиланди. Фахрий дипломлар билан тақдирланган Наманган ва Сурхондарё вилоятлари бир қанча саёҳатчилар ташкилотларининг тажрибаси ишни яхшилаш учун бой имкониятлар борлигидан далолат беради.

Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистондаги саёҳат-экскурсия ташкилотларининг барча ходимларига қарата қабул қилинган Мурожаатномада ўз аксини топди. Бундай ташкилотлар ўз фаолиятини кенгайтира бориб, хизмат кўрсатишни яхшилаб, хўжалик ҳисобини такомиллаштириб, 1990 йилда камида ўн миллион сўм фойда олишлари мумкин. Бу эса коллектив ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, саёҳатчиликни янада ривожлантиришнинг пухта пойдевори ҳамдир.

Ҳозирдаёқ ишларни янада ривожлантириш учун асос яратилди — шу йилнинг тўрт ойи ичида хизмат кўрсатиш ҳажми пландагидан икки миллион сўм кўпайди, қўшимча фойда олинди.

Жумҳурият кенгашининг мажлисида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари У. Р. Умарбеков қатнашди.

(ЎзТАГ мухбири).

БИРГАЛАШИБ КУЛИШАЙЛИК

«Соғлом бўлишни истасанг — кул!», деб уқтирган эди бундан ўн аср муқаддам Ибн Сино. Оноре де Бальзак ҳам энг яхши дори — кулгу эканлигини айтган эди. Ҳамма даврларда одамлар ижобий ҳиссиётларнинг шифобахш хусусиятларини билишган.

Инсонлар қалбига малҳам бўлиш учун махсус тиббий маълумотга эга бўлиш асло шарт эмас. Буни Тошкентдаги СССР Халқлари дўстлиги саройида бошланган ёш ҳажвчиларнинг «Қизиқчи-90» республика конкурси яққол кўрсатди. Ҳажвчи ва аскиячилар беллашувига республиканинг кўпгина жойларидан турли касб вакиллари тўпланишди. Ҳатто қўшни Ленинобод ҳам ўз иштирокчиларини юборди.

Жамиятда тузалиши қийин бўлган кўпгина қусурлар тўпланиб қолган. Ана шулар аскиячилар учун пайров бўлди. Порахўрлик, лаганбардорлик ва ичкиликбозлик, манманлик ва димоғдорлик, миллий худбинлик ва фосиқлик, пахта яккаҳокимлиги ва раҳбарлик қилишнинг маъмурий-буйруқбозлик услуби, ниҳоят айрим одамлардаги бемаънилик ҳажв ниши учун нишон бўлди.

Ҳазил ва аскиялар қанчалик ўткир бўлаётганини залдагиларнинг ҳолатидан дарҳол билиб олиш мумкин эди. Бу ҳазилларнинг айсарияти айни нишонга тегди. Ҳажвий ўхшатмалар жанри ҳам конкурсга жозиба бахш этди.

Бундай беллашув республикада аввал ҳам ўтказилган ва катта қизиқиш уйғотган эди. Ушанда машҳур бўлиб кетган Мирза Холметов билан Обид Асомовнинг номларини энди кўпинча концерт программаларининг афишаларида кўриш мумкин. Томошабинларнинг беллашувни давом эттириш тўғрисидаги тинимсиз илтимослари ва истаклари ташкилотчиларни ёрқин истеъдодларни излашнинг янги босқичини бошлашга ундади. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Давлат телевидение ва радиоэшиттириш комитети, Совет маданият фондининг Ўзбекистон республика бўлими ва «Муштум» журнали конкурснинг таъсисчилари бўлишди. Бу муассасаларнинг вакиллари, шунингдек етакчи ҳажвчи артистлар жюри составига киридилар. Улар репертуар танлашни, маҳоратни, бадиий ўлик кўникмасини, ижрочилик савиясини баҳолашади. Бу галги беллашув ажойиб сўз устаси, Ўзбекистон ССР халқ артисти Сойиб Хўжаев хотирасига бағишланди. У киши ҳаёт бўлганида шу кунларда 80 ёшга тўлган бўларди. Ҳажв устаси бошлаган ишни ёшлар давом эттиришяпти.

20 май куни бўладиган финалга беллашувнинг ўттиз уч қатнашчисидан фақат уч киши чиқиши мумкин. Конкурс лауреатлари чет элларга саёҳат қилиш учун йўлланмалар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар.

«Келинг бир кулишайлик!» — деб даъват қилди конкурс иштирокчиларидан бири беллашув бошланишида. Майли, кулишайлик, зотан, Шарқ халқлари нақл қилганидек, кулгусиз ўтган кун — кун эмас.

(ЎзТАГ).

• *Советларда қайта қуриш қандай бормоқда?*

ОДАМЛАР БИЗНИ ТАНИЙ БОШЛАДИ

⊙ СССР халқ депутатларининг Съездлари ва сессияларини, унда депутатлар ўртага қўйган ҳаётий муҳим масалаларни умид ва ишонч, қониқиш ҳамда маъқуллаш билан кўриб-кузатиб бордик. Бу анжуманлар ҳақиқатан ҳам демократия, ошкоралик мактаби бўлди.

УЛАРДА «Ҳокимият — Советларга!» деган тарихий шиорни тўла-тўкис амалга оширишга қаратилган конкрет ишлар қилинди, ваколатли органларни қайта тузиш-у, улар ҳуқуқларини кенгайтириш орқали амалий ҳокимият ва бошқарувларни Советларга қайтариб бериш масаласи дадиллик билан ўртага ташланди. Бу масалалар ҳаётга татбиқ этиб борилаётир.

Янгиариқ район Совети ижроия комитети ўз фаолиятида демократияни ривожлантиришга ҳаракат қиляпти. Сессия материаллари тезис сифатида олдиндан газета саҳифаларида бериб борилянти. Кейинги сессиялар очиқчасига, танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида яхши фикр ва таклифлар асосида ўтаётганлиги билан фарқ қилаётир. Бунда албатта ижроком томонидан халқни ташвишлантираётган долзарб масалаларнинг сессияларида қараб чиқилиши режаланаётганлигининг ҳам алоҳида таъсири бор.

Ўтган йили март ойида ўтказилган сессия кун тартибига аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатишнинг аҳволи, уни янада яхшилашда Советлар олдида турган вазифалар хусусидаги масала киритилди. Сессия депутатлар фаоллигида, ошкора танқид руҳида ўтди. Улар бу соҳалардаги ишларнинг аҳволини яхшилаш юзасидан аниқ фикр-таклифларни билдиришди. Айниқса, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш маданиятининг пастлиги, савдо нуқталарида зарур маҳсулотнинг йўқлиги, ходимларнинг масъулиятсизлиги, айримларнинг юлғичлиги тўғрисида куюниб гапирилди. Ижроком мажлисида уларнинг талаб, таклиф ҳамда танқидий фикр-мулоҳазалари умумлаштирилиб, тадбирлар белгиланди. Қарор назорати юзасидан июнь, август, декабрь ойларида доимий комиссия ва мутахассислар иштирокида текшириш ўтказилди. Кўрилган чора-тадбирлар изсиз қолмади. Режалар бажариляпти, ноёб ва камёб молларни тақсимлашда социал адолат принципига амал қилиняпти. Районнинг икки жойида қурилиш материаллари сотадиган магазин очилди. Маиший хизматнинг вақтинча ишламай турган нуқталари қайта таъмирланиб, ишга туширилди. Хизмат кўрсатиш шохобчаларининг санитария ҳолати бирмунча яхшиланди.

Район Совети ижроия комитети аппарати қайта қуришни нимадан бошлаши керак? Қандай йўл тутсак иш олдинга силжийди? Бу каби саволлар устида жиддий ўйланиб, энг аввало, биз одамлар ишончини қозонишимиз, зарур деган хулосага келдик. Бунинг учун эса, одамлар билан юзма-юз мулоқотга эътиборни кучайтирдик. Чунки идорада ўтириб, одамлар ташвишини билиш қийин. Шунинг учун биз ҳар бир қишлоқда район ижроия комитети кунини ўтказишни йўлга қўйдик. Натижада жойлардаги муаммо ва талаблар чуқур ўрганилиб, уларнинг бир қисми шу ернинг ўзида ҳал этилишига эришиляпти. Ўз навбатида кишиларнинг вақти тежаляпти, кайфияти кўтариляпти.

Яқинда бўлиб ўтган сайловлар меҳнаткашлар сиёсий онгининг ўзгарганлигини, депутатларнинг касби ва лавозимига эмас, балки ишчанлик, фаоллик ва принципиаллик лаёқатларига қараб баҳо беришларини кўрсатди. Қишлоқ ва район Советларига аксар жойда муқобиллик асосида депутатлар сайланди.

Ҳозирги пайтдаги бош вазифалардан бири — аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш, социал масалаларни ҳал қилишга куч-ғайратни қаратишдан иборат. Бу борада дадил иш олиб бориляпти. Аҳолига қўшимча томорқа ери ажратиш ўз вақтида амалга оширилиб, 877 гектар ер деҳқонларга берилди. Бундан улар миннатдор.

Район ва хўжаликларни йириклаштириш мақсадида олиб борилган ишлар оқибати ҳаммага маълум. Бизда ҳам 60-йилларда шундай хол рўй берган эди. Ушанда районимиз Хонқага қўшилди. Натижада кейинги 10—15 йил мобайнида қурилиш ишлари қарийб тўхтаб қолди. Мавжуд уй-жойлар, ижтимоий объектлар ҳолати ҳам йилдан йилга ёмонлашиб бораверди. Кейин хато тузатилиб, Янгиариқ райони қайта ташкил қилинди. Лекин бой берилган вақтни, ишларни қоплаш осон кечмаётир. Кўп масалалар жуда қийинчилик билан ҳал этилиб келиняпти.

Биз шуни назарда тутиб, кейинги пайтда мустақил фаолият кўрсатишга киришдик. Юқори ташкилотларга муаммоларимизни тушунтирдик, конкрет талаблар қўйдик. Натижада 240 ўринли касалхона, маданият саройи, физкультура-соғломлаштириш комплекси, юқумли касалликлар бўлинмасини қуриш, район марказини ободонлаштириш, водопровод тармоқларини янгилаш, асфальт ётқизиш ва янгидан сув йўлларини ташкил қилиш учун қўшимча маблағлар олишга эришилди. Фақатгина ўтган йилнинг ўзида бош пудрат бўйича 10 миллион сўмлик иш бажарилди. Мактаблардаги ўринлар сони яна 1344-тага кўпайди, 4,5 миллион шартли банка ишлаб чиқарадиган иккита завод, 12 та кўп квартирали уй-жой бинолари ишга туширилди. Бундан ташқари яна бир қатор социал объектлар фойдаланишга топширилди, юқорида қайд этилган режалар ҳам амалга оширилянти.

Кишиларни иш билан таъминлаш — асосий масалалардан бири. Ҳозирги пайтда районда беш мингга яқин ишсиз бор. Шу боис мазкур муаммога ҳар куни, ҳар учрашув ва қабулда дуч келяпмиз. Биз бу масалани тўла ҳал қилиш устида жуда кўп изландик. Ниҳоят, районда автомобиллар учун электр асбоблари ишлаб чиқарувчи завод қурилишини режага киритишга муваффақ бўлдик. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, бу заводда 4200 киши ишлайди. Улар учун 1992—1996 йиллар мобайнида 32 миллион сўмлик ижтимоий-маданий биноларни қурилади. Бу одамларни иш билан таъминлашдан ташқари аҳолининг социал талаблари деярли тўла қондирилади дегани. Шу билан бирга мавжуд имкониятларни ишга солишга ҳам аҳамият беряпмиз. Истеъмол моллари ишлаб чиқариш, кооператив ва якка тартибдаги меҳнат фаолияти ҳаракатларини, бошқа иш усулларини ривожлантириш ҳам алоҳида эътиборда.

Хуллас, ҳокимият Советларга ўта бошлаши билан ишлар анча юришиб кетди. Қишлоқ Советларини колхозлар тасарруфидан бутунлай озод қилиш, уларни ўз ҳуқуқлари доирасида ишлашларини таъминлаш учун барча чора-тадбирлар ишга солиняпти. Лекин шуни афсус билан эътироф этиш лозимки, Советларнинг тўла ҳокимиятини таъминлаш юзасидан XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси, СССР халқ депутатлари Съездлари йўл-йўриқларини ҳали талаблар даражасида амалга оширолганимиз йўқ. Фаолиятимизнинг барча йўналишлари бўйича пухта система вужудга келган эмас. Депутатлар фаоллигини оширишда кескин бурилиш рўй бермаяпти. Ўзимизга боғлиқ бўлмаган объектив ва субъектив сабабларга кўра ижтимоий соҳа қолоқлигини тугатишни таъминлай олмаяпмиз. Сув таъминоти, ободончилик, турмуш маданиятини яхшилаш масалалари кўнгилдагидай ҳал этилмай турибди.

Айни кезда қўл қовуштириб ўтиришга ҳам ҳаққимиз йўқ. Негаки, одамларда Советларга нисбатан ишончни эндигина уйғота бошладик. Уни асрашимиз, ривожлантиришимиз керак. Бу борада партиямиз XXVIII съездига КПССнинг Ҳаракат дастурида ифода этилган ва яратилаётган имкониятлар қанот бағишлайди. Қачонки, халқ ташвиши, муаммолари, дардлари билан яшасак, амалий фаолиятда дадил, фаол ҳаракат қилсак, ўз ҳуқуқ ва имкониятларимизни тўла, самарали бажаришга ўтсак, ўшандагина ишончни оқлаймиз.

М. ЮСУПОВ,
халқ депутатлари Янгиариқ район Совети ижроия комитетининг раиси.

ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

● ТАМБОВ

Хўжалик ҳисобида ишловчи маҳаллий «Гальванотехника» бирлашмаси коллективи янги маҳсулот — ногиронлар учун «дикуль креслоси»нинг чиқарила бошланганлигини хайрли иш билан нишонлади. Корхона меҳнаткашлари шундай аппаратларнинг бир туркумини орқа мияси шикастланган ва болалигида церебрал фалажлик билан оғриб, кейин унинг асорати қолган касалларни даволаш Бутуниттифоқ марказига совға қилдилар.

● НИКОЛАЕВ

Херсондаги Ленин комсомолининг 60 йиллиги номли кемасозлик бирлашмасида қурила бошланган «Наука» тадқиқот кемаси жаҳон океанидаги бой фойдали қазилмаларга йўл топишга ёрдам беради. Дизель-электроходга ўрнатилган ускуналар олти километр чуқурликдаги денгиз тубида қудуқ қазиш имконини беради, кемаининг қудуқ қазиш чоғида зарур бўлган бир нуқтада «қотиб туриш»ини таъминлайди.

● ВЛАДИВОСТОК

ХХР ва Совет Узоқ Шарқи олимлари номаълум учувчи объектларни биргаликда ўргана бошладилар. Приморьедаги Дальнегорск шаҳарчасида икки мамлакат уфологларининг дастлабки учрашуви бўлиб ўтди. Совет Иттифоқи ва Хитойнинг ғайритабиий ҳодисалар бўйича мутахассислари ҳозиргача маълум бўлган ҳодисаларни тадқиқ этиш программасини белгилаб, янги ҳодисалар тўғрисидаги видео-фото материалларни зудлик билан бир-бирларига юбориб туриш ҳақида шартлашиб олдилар.

● ЛЕНИНГРАД

Рус давлат музейига келадиганлар учун кутилмаган ёқимли совға — Бенуа павильонида очилган ва Россия картина галереяларидан келтирилган асарлар тўпланган кўргазма тайёрлаб қўйилди. Кўпгина шаҳарлар энг машҳур ватандош мўйқалам усталарининг асарларини жўнатишди. Бу кўргазма энг қийин йилларда фахримиз бўлиб қолган коллекцияларни сақлаб қолиш билан чекланмай, уларни ҳатто кўпайтириб борганлар хотирасига ҳурмат-эҳтиром белгиси бўлди.

(ТАСС).

• *Фармон сатрлари замирида*

ЁРҚИН САҲИФА

● Яқинда Москвада ректорларнинг ҳозирги шароитда таълим ва олий ўқув юртлари ишининг долзарб муаммоларига бағишланган Бутуниттифоқ учрашуви бўлиб ўтди. Унда СССР Президенти М. С. Горбачев нутқ сўзлаб, таълим, олий мактаб соҳасида ҳозирги вазиятга, жамият ривожининг ҳозирги бурилиш босқичига мос келадиган давлат сиёсатини юритиш зарурлигини уқтирди. Халқ таълими, олий мактаб ислоҳоти хўжалик турмушининг бир хил шароитида режалаштирилган эди. Шароит эса тубдан ўзгармоқда. Биз жамиятнинг ўзини тубдан ўзгартириш палласига яқинлашиб келдик, таълим эса ҳамиша шу ўзгаришларни акс эттирибгина қолмай, ҳатто илдамроқ бориши ҳам керак, шундагина жамият таълим орқали янги ғоялар, ёндашувларни ва турмуш шаклларини қабул этишга яхшироқ тайёрлана олади.

Учрашувда Президентлик Кенгаши доирасида тегишли топшириқ бериш, эҳтимол, бу хусусда Фармон қабул қилиш зарурлиги таъкидланган эди. Куни кеча СССР Президенти М. С. Горбачевнинг «СССРда олий таълимни ривожлантиришнинг давлат дастури тўғрисида» Фармони қабул қилинди.

«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири М. ПИРМАТОВ шу хусусда жумҳурият олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи муовини, ректорларнинг Бутуниттифоқ учрашуви қатнашчиси Н. М. НАУМЕНКО билан суҳбатлашди.

— Аввало ректорларнинг Бутуниттифоқ учрашувида ҳал этилиши зарур бўлган бир неча муаммолар рўй-рост ва ошкора айтиб ўтилди. Учрашувда жумҳуриятимиздан 13 нафар ректор иштирок этди. Улар орасида СССР халқ депутати, Андижон давлат тиллар педагогика институти ректори М. Умархўжаев, Ўзбекистон ССР халқ депутатлари—Тошкент политехника институти ректори А. Жалилов, Тошкент қишлоқ хўжалик институти ректори Э. Шайхов, Тошкент автомобиль ва йўллар институти ректори С. Пўлатов, Тошкент халқ хўжалиги институти ректори С. Ғуломов, Термиз давлат педагогика институти ректори Н. Тўраев; Тошкент алоқа институти ректори Ж. Абдуллаев, Тошкент машинасозлик институти ректори Н. Юсупбеков, Тошкент чет тиллар институти ректори Ж. Бўронов ва бошқалар бор эди.

Биз бу учрашувдан кўп муаммоларнинг ҳал этилишини кутдик. Учрашувни очган Қозон давлат университетининг ректори А. Коновалов дилимиздаги фикрни — олий таълим соҳасида бонг уриш пайти келганлигини рўй-рост айтиб ўтди. СССР Давлат халқ таълими комитетининг раиси Г. А. Ягодиннинг доклади ҳам танқидий руҳда бўлди. Ҳақиқатан мамлакатимиздаги қайта қуриш жараёнлари ривожланишнинг ҳал қилувчи босқичига кирди. Шундай экан, ижтимоий тузумдаги туб ўзгаришлар таълим системасига ва айниқса олий мактабга дахлдор эканлигини унутмаслигимиз керак.

Олий ўқув юртларининг тармоқ вазирликлари билан ўзаро муносабатларини тартибга солиш ғоят муҳимдир. Бу борада корхоналарнинг талабалар билан битимлар тузиш, таълимнинг икки босқичли системасини жорий этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш зарур. Бу билан олий таълим муаммолари ҳал этилиб қолмайди. Бунинг учун олий ўқув юртларига ҳукумат ҳам, СССР Олий Кенгаши ҳам яқиндан ёрдам бериши керак.

Биз қандай ёрдам кутяпмиз. Тўғрисини айтиш керак, халқ таълимини давлат маблағлари билан таъминлаш даражасини сақлаб қолиш, уни ривожлантиришга сарфланадиган маблағларга солиқ солишда имтиёзлар жорий этиш, ёш мутахассисларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояланиши ва бошқа тартибларда ўз ифодасини топиши керак. Шу ўринда М. С. Горбачев таъкидлаганидек. «Ҳозирги олий мактабни ривожлантириб, уни истиқболнинг, унчалик олис бўлмаган келажакнинг олий мактабига айлантириш — биринчи даражали вазифа, уни даҳол ҳал қилиб бўлмайди, қандайдир ўтиш даври керак бўлади. Аммо бир нарса равшан — шу олий мактабга ҳар қандай мадад, шу жумладан молиявий, моддий ва бошқа хил ёрдам берилиши зарур».

Ўқув юртининг юксак даражада сафарбарлиги учун ҳар биримиз масъулмиз. Бунинг учун олий ўқув юртлари маблағларини СССР Молия вазирлиги ва СССР Меҳнат ва социал таъминот давлат комитети «кишан»ларидан халос этиш керак. Талабаларни қабул қилиш, мутахассисликлар танлаш даражасини белгилашда катта эркинлик берилишини кутяпти. Айниқса, таълимни регионлар, тармоқлар эҳтиёжига яқинлаштириш зарур.

Учрашувда Тошкент политехника институти ректори А. Жалилов сўзга чиқиб, жумҳуриятимиз олий мактабларининг муаммолари хусусида тўхталди. Ҳақиқатан жумҳуриятимизда олий мактабга ажратилаётган маблағ бошқа жумҳуриятлардагидан анча кам. Бу билан сира келишиб бўлмайди.

Олий ўқув юртлари ректорларининг халқ депутатларига Мурожаатномасида ҳам бу соҳада йиғилиб қолган муаммолар, уларни зудлик билан бартараф этиш, бунда ҳамма бир ёқадан бош чиқариб ҳал қилиш зарурлиги таъкидланди.

СССР Президенти М. С. Горбачевнинг олий таълимни ривожлантириш борасидаги Фармони бу борада янги ёрқин саҳифа очади деган умиддамиз.

МУҲИМ МАВЗУГА БАҒИШЛАБ

● Ангренда «Ўрта умумий таълим мактаблари ва олий ўқув юртларида жуғрофия фанининг ўқитилишини такомиллаштириш ва экологик муаммоларга бағишланган илмий-амалий кенгаш ўз ишини бошлайди.

Ўзбекистон ССР тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш республика жамияти президиумининг раиси Н. Муҳиддинов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти, академик О. Акрамхўжаев, Тошкент вилояти халқ таълими бош бошқармасининг мудири Ш. Жалилов ва бошқалар ўрта умумий таълим мактаблари ҳамда олий ўқув даргоҳларида жуғрофия фанининг муаммолари, дарсликнинг ўтилиши, келажакда қилинажак ишлар хусусида тўхталадилар.

Жумҳуриятимиздаги экологик мувозанат, Ўрта Осиё ва Жанубий Қозоғистонда ижтимоий-иқтисодий аҳвол барчани ташвишлантирмоқда. Анжуман қатнашчилари ана шу долзарб мавзуга алоҳида эътибор бермоқдалар. Айниқса, ёшларнинг, олий ўқув юртлари толиблари, ўрта мактаб ўқувчиларининг экологик аҳволни ўнглашдаги роли, яъни, жуғрофия фанининг эртанги вазифалари ҳақида ҳам фикр юритилади.

С. БОҚИЕВ,
Тошкент область давлат педагогика институти жуғрофия кафедрасининг мудири.



ҲОСИЛДОРЛИКНИ ОШИРИБ

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ. Риштон ноҳиясидаги Навоий номли хўжалик далаларида ғўза ниҳоллари меҳр билан парвариш қилиняпти. Нўъмонжон Ҳакимов бошчилигидаги бригада пахтакорлари 60 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар.

Суратда: механизатор Солижон Усмонов, бригадир Нўъмонжон Ҳакимов ва ишчи Жумабой Турсунов.

Суратни У. ҚУШВОҚОВ олган.

Редакцияга хат

Қоғозда бор-у, амалда йўқ

Биласизми, Абу Али ибн Синодек даҳо дастлабки таълимни қаерда олган? Билмасангиз билиб қўйинг. Бизнинг Пешку хонақосида олган. Ҳозир бу даргоҳ таъмирланиб, жамоамиз ўлкашунослик музейига айлантирилган. Афсуски, бу музейни тоза тутиш имконияти бўлмаяпти. Нега?

1982 йили қишлоғимизда пахта тозалаш заводи ишга туширилди. Ушанда «Энди қишлоғимиз обод бўлади, кишиларимиз иш билан таъминланади» дея хурсанд бўлгандик. Лекин хурсандчилигимиз кўпга чўзилмади. Завод ишга тушган кунданоқ қишлоғимиз чанг-тўзонга, атроф-муҳит эса пахта чиқиндиларига тўлиб кетди.

Натижада қишлоқ аҳолисининг тоза ҳаводан нафас олиши қийинлашди. Ҳовузимиздаги ичимлик сувдан (Бизда оқар сув йўқ, ҳовузларимизга бир ярим-икки ойда фақат бир марта сув келтирилиб тўлдирилади, холос. Водопровод деган нарсанинг ўзи йўқ) фойдаланиб бўлмай қолди. Чунки ҳовузга тушаётган чанг-тўзон ичимлик сув сифатини бузмоқда. Ҳалиям қишлоғимиз аҳлига балли, сувни аввалдан тозалаб, қайнатиб, кейин рўзғорга ишлатишяпти.

Ачинарлиси шундаки, завод раҳбариятининг атроф-муҳит муҳофазасига эътиборсизлиги, боқибеғамлиги туфайли кўркам қишлоғимиз табиати бузилмоқда, боғу роғлар қуриб қолиб, қариялар ва болалар ўртасида касаллик кўпаймоқда.

Биз бу ҳақда кўп марта завод дирекциясига, кейинчалик эса маҳаллий партия ва совет ташкилотларига, вилоят халқ депутатлари ижроия комитетига мурожаат қилдик. Вилоят халқ депутатлари сессиясида аризимиз тингланиб, 1990 йилда заводни бошқа жойга кўчиришга қарор қилинди. Афсуски, гап қоғозда қолиб, амалда силжиш бўлмади.

Тўғри, вилоят Совети вакиллари аралашувидан кейин Пешку пахта тозалаш заводида чиқиндини тозалайдиган иккита барабан ўрнатилди. Лекин бу билан ҳам аҳвол ўзгармади. Қайтанга янада оғирлашди. Эндиликда заводдаги барабан ичида тўпланган ахлатни чиқариб ташлаш ўрнига ўша жойнинг ўзида ёқиб юборишяпти.

Энг ёмон томони — тутун пуркаб турган бу «аждаҳо» уйи»нинг Карл Маркс номли ўрта мактаб билан ёнма-ён (оралиқ масофа 12 метр) жойлашганлигидир. Бу ерга бир томондан чанг, пахта чиқиндилари учиб келса, иккинчи томондан кучли шовқин таъсирида ўқувчилар учун дарс тинглаш оғир кечяпти.

Хуллас, қишлоғимизнинг қарийб 2 мингга яқин аҳолиси аросатда қолган. Эндиликда аҳволни тезлик билан ўзгартириш лозим. Очиғи, бу ҳақда 8 йилдан бери вилоят миқёсида ёзмаган жойимиз, кирмаган ташкилотимиз қолмади. Ҳаммасида ҳам ёрдам беришга аҳд қилишди, қарорлар чиқаришди. Лекин аҳвол «Эски тос, эски ҳаммом»лигича қолди.

Эндиги умидимиз — Ўзбекистон ССР Давлат табиатни муҳофаза қилиш комитетидаги ўртоқлардан.

Бобоқул КАРИМОВ,
Улуғ Ватан уруши ногирони,
Халил ҚАҲҲОРОВ,
К. Маркс номли мактаб директори,
Тошпўлат КАРИМОВ,
байналмилал жангчи ва яна 41 та имзо.

• *Эртага Тошкентда Қашқадарё области маданияти кунлари бошланади*

МАЪНАВИЙ ЭҲТИЁЖ

ВИЛОЯТИМИЗ меҳнаткашлари КПСС XXVIII, Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездларини муносиб кутиб олишга интилмоқдалар. Шаҳар ва районларимиз ҳаётида катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик ўзгаришлар юз бермоқда ва буни омма кенг қўллаб-қувватлаётир.

Маълумки, партия ва ҳукуматимизнинг сўнгги пайтларда қабул қилган қатор қарор-ҳужжатларида инсон омили масалалари, жамият аъзоларининг руҳиятини ҳозирги босқичдаги тараққиётимиз талаблари асосида юксалтириш, қайта тарбиялаш масаласи ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим резервларидан бири сифатида қўйилмоқда. «Партия ўз маданий сиёсатининг бош вазифаси одамларнинг қобилиятини намоён қилиш учун ғоят кенг имконият яратиб беришдан, уларнинг ҳаётини маънавий жиҳатдан бой, кўп қиррали қилишдан иборат деб билади, — деган эди Ўртоқ М. С. Горбачев КПСС XXVII съездида. — Бу соҳада ҳам яхшилик сари туб ўзгаришларга эришиб, бутун маданий-тарбиявий ишни шундай қуриш керакки, бу иш одамларнинг маънавий эҳтиёжларини тобора тўлароқ қондирадиган, уларнинг манфаатларига мос келадиган бўлсин».

Вилоятимиз маданий ҳаётида ўзгаришлар қилишда партия ва ҳукуматимизнинг худди шундай эзгу даъватлари муҳим роль ўйнаяпти. Бутуниттифоқ халқ ижодиёти фестивали туфайли шаҳар ва районларимизда янгидан-янги ҳаваскорлик коллективлари пайдо бўлмоқда, турли ёшга мансуб талантлар қобилиятлари ва ижрочилигини кенг омма ўртасида намойиш қилишга муяссар бўлаётир. Айни вақтда ана шу янги халқ театрлари ва ансамбллари репертуарлари долзарб, муҳим мавзуларга бағишланган асарлар билан мунтазам бойиб бораётир.

Ана шундай изланишлар натижасида халққа маданий хизмат кўрсатишдаги ўзаро алоқалар янада мустаҳкамланмоқда. Энг муҳими, фестиваль ва кўрик-конкурслар халқимизнинг бадиий ижодкорлигини равнақ топтиришда, унинг гўзал ва нафис қирраларини оммалаштиришда, байналмилал тарбияни такомиллаштиришда катта роль ўйнаяпти. Ташкилий кенгаш томонидан тузилган тадбирлар рўйхати асосида биринчи, иккинчи ва учинчи турларда яккахон ашулачи ва раққосаларнинг, ноилавий ансамбларнинг, бахши шоирлар, драма тўгаракларининг кўрик-конкурслари, амалий ва тасвирий санъат, миллий либос кўргазмаси кишиларимиз дилида чуқур из қолдирди.

Қашқадарёдаги мавжуд халқ ижодий коллективларининг изланишлари самарали бўлишида, кўрсатилаётган маданий хизмат савиясини кўтаришда, табиийки, етук коллективлар — М. Тошмуҳамедов номидаги область театри ва «Мулоқот» театр студиясининг ёрдами, хизматлари диққатга сазовор. Область театримиз оригинал асарларга дадил мурожаат қилиб, эсда қоладиган спектакллар саҳналаштиришга ҳаракат қилмоқда. Ёзувчи ва драматург Абдурауф Фитрат асари асосида саҳнага қўйилган «Абул Файзхон» спектакли ана шундай изланишлардандир. «Мулоқот»чилар яқинда ўтказилган республика театр фестивалида ғолиб чиқиб, бош совринга сазовор бўлганлигини мамнуният билан таъкидлаймиз.

Тошкентда Қашқадарё маданияти кунларининг ўтказилиши маданий ҳаётимизда муҳим из қолдиради, деб ўйлайман. Тўғри, икки кунда катта бир вилоят маданиятини, санъатини кенг намойиш этиш қийин. Лекин астойдил ҳаракат қилинса, интилса, вилоят бадиий маданияти ҳақида тасаввур бериш мумкин. Маданиятчиларимиз тайёргарлик жараёнида ўз программа-репертуарларини ана шуларни ҳисобга олиб, ҳозирладилар.

Пойтахтнинг талабчан санъат мухлислари даврасида М. Тошмуҳамедов номидаги театримиз «Абул Файзхон» спектаклини намойиш қилади. Ҳамза номидаги академик театр саҳнасида кўрсатиладиган янги асар ҳақида тошкентлик театршунослар, санъат арбоблари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар, деб умид қиламиз.

Концерт программаларини намойиш этишда Шаҳрисабз маданият уйи қошидаги «Мақомчилар», Ғузор районига қарашли фольклор-этнографик ансамбль, Қарши педагогика билим юртининг хушовоз хонанда Салоҳиддин Лутфуллаев раҳбарлигидаги «Зиё» халқ чолғу ансамбли, Қарши санъат билим юртининг дуторчи қизлар ансамбли, Раҳим бахши бошчилигидаги бахши шоирлар ва бошқалар иштирок этадилар.

Биз, маданият соҳасида тўла-тўкис муваффақиятларга эришяпмиз, деб айта олмаймиз. Коллективларимиз, маданият аҳли ютуқ ва камчиликларни умумлаштириб, таҳлил қилиб, ижодий танглик шароитидан қандай қутулиш йўлидаги муаммоларни ҳал этиш ҳақида ўйламоқдалар. Тўғри, бу борада тайёр андозалар йўқ. Бўлиши ҳам мумкин эмас. Маданият соҳасидаги ҳар бир муаммо ўзига хос ечимга эга. Қолаверса, ҳар қандай масалага ёндашишнинг ўз йўналиши мавжуд. Буларнинг ҳаммаси халқ ижодиёти тараққиётига дахлдор, масъул кишилардан бевосита партия, совет ташкилотлари ёрдамига таянган ҳолда, ғайрат билан ишлашни тақозо этади. Бу давримизнинг талабидир.

Ишончимиз комилки, бу тадбир пойтахт меҳнаткашларига, меҳмонларига Қашқадарёнинг бугунги маданияти ҳақида тасаввур бериш билан бирга Тошкентдаги йирик бадиий коллективлар билан бўлган алоқаларимизни янада мустаҳкамлашга, маданиятнинг долзарб мавзулари, унинг муаммолари хусусида устоз санъаткорлар билан яқиндан фикрлашиб, маслаҳатлашиб олишга ҳам имконият яратади.

С. МИРОВА,
Қашқадарё вилоят партия комитетининг секретари.

Шоира ижодхонасида

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Ўзбекистон ССР халқ депутати

МЕН— КЎКРАГИН ҒАМ ТИЛГАННИКИ

— Ҳалима опа, Ўзбекистон ССР халқ депутатларининг биринчи сессияси ҳам ортда қолди. Сессия давомида биз олдимизда турган моддий, маънавий қийинчиликларимизни, муаммоларимизни яна бир марта бор бўйича кўрдик. Баҳслашдик. Маслаҳатлашдик. Сиз депутат сифатида халқимизнинг мана шу ниқироз жараёнидан қандай йўллар билан чиқишига умид боғлайсиз!

— Тўғри айтасиз. Ўзимиз доим кўриб, билиб юрган бу манзараларни сессия ўзгача ҳаяжон, ўзгача шиддат билан кўз олдимизга келтирди. Самарқанднинг Хатирчисида одамлар яшаётган уйларнинг ичидан ҳам зах сув чиқиб кетаётганлиги ҳақида куйиниб гапиришди. Қашқадарёнинг Ғузорида кир ювиш, ювиниш у ёқда турсин ичишга сув йўқ. Сув ташувчи машина сувга муҳтож одамдан 20 сўм олиб бошқа районлардан бир машина сув келтириб беради. Шунинг учун, деди суҳбатларимиздан бирида чироқчилик бир дўстимиз, бизда «водовоз» машиналаримиз сан-салор, шофер тополмаймиз. Ғузорда ҳамма шофёрлар «водовоз»га харидор, пул ишлайди-да...

Таназзулдан чиқишнинг бирдан бир йўли, халқимизнинг баҳамжиҳат яшаши, ҳаракат қилишида деб биламан. «Ўсадиган эл ожизин ҳам ботирим дейди», деган гап бор халқда. Болаларини «ботирим» деб бошини силаган халқимизнинг иссиқ бағрида елкасини эл юкига тутиб берадиган баҳодир ўғлонлар улғайганига гумоним йўқ. Менинг бугунги орзуйим, шу ўткир, лочинкўз баҳодирлар бир-бирини танишга, бир-бирини қўллаб-қувватлашга ўзларида куч-қудрат топаолармикинлар?!

Агарда шундай бўлса, умид қиламанки, бизнинг тарихий фожиаларимиз, нуридийда бобожонимиз Мирзо Бобурнинг «не юз қаролиг» ила Ҳиндистондаги сарсон-саргардонликлари, Фурқатнинг Ёркентни тутган оху-фиғонлари, Машрабнинг Балхда, Чўлпоннинг Сибирь қаҳратонларида чеккан азобу уқубатлари тарих саҳнасида қайтадан қайтарилмас... Шояд, Улуғ халқ болалари бирлашсалар, бир-бирига беоқибатлик орқасида Ер юзига тарикдай сочилиб яшашда давом этмасалар...

Бор армоним

У, дунё-я, ўзбекнинг не сор боласи,
Кўкрагида ёнар ўти бор боласи,
Шу ўт сабаб аввал — охир хор боласи
Магаданнинг тупроғида ухлаб ётар.

Одамзод бир-бирини ўнгласинлар
Ўнгламаса, ўзлари ҳам ўнгмасинлар.
Ўзга ерда ризқ терганн майлику-я,
Ўзгаларнинг тупроғига кўммасинлар.

Ўз элига сиғмаган қувғин болалар,
Қасоси бўғзида кетган хун болалар,
Ёлғонларга емиш бўлган чин болалар
Магаданнинг тупроғида илдиз отар.

Мушкул кўриб кетмоғин бу эл доғини,
Санчиқ олар кўкрагимнинг чапроғини,
Боз ўйлайман, отилажак бу вулқонлар
Қўпармасин Магаданнинг тупроғини.

Йўқлов келар, томоқларим қуриб кетар,
Юракларим отилгудай уриб кетар.
Йўқламайман... ғар йўқласам, йиғит ўлган
Бу болалар жой-жойидан туриб кетар.

Уйланмаган, шўх болалар туриб кетар,
Кўкрагида ўқ, болалар туриб кетар,
Ишонган дўст, акалари тутиб берган
Бир паноҳи йўқ болалар туриб кетар.

Қути қочган, ўри, қири ёлғиз элим,
Ожизи-ю, баҳодири ёлғиз элим,
Ҳар бирида ўзининг жон талвасаси,
Ўзича бек, лек ҳар бири ёлғиз элим.

Куймайманми, ўнгмаганинг кўриб ўлсам,
Бир-бирингни бир-бирингдан кўриб ўлсам.
Утарканман бу дунёдан, бор армоним —
Бир-бирингни ўнглаганинг кўриб ўлсам.

Тавба-тазарру вақти

Бузилган адрда лола бир аҳвол
Бузилган тақдирда бола бир аҳвол
Икковинг боғлолмай тола бир аҳвол
Тавба-тазарруга вақт етди бугун.

Орол, тўқиларинг қочдилар қайга
Оҳулар қочди қай ёнган тўқайга
Одам, болаларинг учди мўмайга
Тавба-тазарруга вақт етди бугун.

«Икковимиз», — дейсан, у ягона чиқар
Дўст деб эгиласан, бегона чиқар
Маъно — деб ушлайсан, бемаъно чиқар
Тавба-тазарруга вақт етди бугун.

«Қарияларр уйи» уйдир, хонадир
Уймас, маҳзун ота, мунглиг онадир
Фарзандин эслатсанг, ночор, тонадир
Тавба-тазарруга вақт етди бугун.

Ўз уйида зардоб ичгувчи қушлар
«Болалар уйи»га учгувчи қушлар
Ва гоҳ бу дунёдан кечгувчи қушлар
Тавба-тазарруга вақт етди бугун.

Сўзимни ҳар томон бурмагин тағин
Ўзимга қаратдим, дарднинг бор тиғин
Оҳ, кимга сиғинсанг, дўст, шунга сиғин,
Тавба-тазарруга вақт етди бугун.

Тавба қил, ёвлашган эллар оралаб
Бевақт тўкилган қон, селлар оралаб
Мақсадиқ йўқотган диллар оралаб
Тавба-тазарруга вақт етди бугун.

Бугун отанг бу ҳол, давлатманд одам
Эрта балки боланг берар панд, одам
Кўз оч, ўзи билан ғоят банд одам
Тавба-тазарруга вақт етди бугун.

Тик туриб, армонни ичиб қайтадан
Ут олиб ҳар томир, ичинг қайтадан
Ҳаммасин бошламоқ учун қайтадан
Тавба-тазарруга вақт етди бугун.

Кетиш ҳақида

Айни вақтимиди, мен келганим чоғ
Ким қўйиб кетган бу менинг тошимни.
Бугун сочларимга оралаган оқ
Эртага эгаллаб олар бошимни.

Эртага бу эски лошим билан мен
Омочни қийналиб сургандан кўра
Ва қор босган оппоқ бошим билан мен
Йўлларда тойиниб юргандан кўра.

Эртага бир тенгдош топмай, алангланб
Инжиқ, у ён-бу ён «кўчир»ламасдан.
Бугун олқишлаган ёшу-ялангнлар
Эртага ортимдан пичирламасдан.

Зангламасдан туриб кумушим, зарим
Уни зарда билан отмасдан туриб
Содиқ шогирдларим, бугунгиларим
Эрта бирортаси сотмасдан туриб.

Кўриб кексаликнинг гурзиларини
Тонггача уйқусиз, тўлғониб чиқмай
Бўшатиб ҳар қандай курсиларини
Ўз вақтида кетмоқ, кетмоқ — кечикмай!

Вақтинг келгунича, майли донинг тер
Гуллар билан тўлдир умринг қатини
Худойим, бор бўлсанг, ҳар кимсага бер,
Ўз вақтида кетмоқ фаросатини.

Йиғи

Ўзимга тўқ, кўркам, хушбичим, оқ дўст
Йиғлайман, Сизгамас, кўкси бедоғ дўст
Пок, нопокни бирдай суявчи тоғ дўст,
Йиғим сўлаётган болалар учун.

Олма сабоғидай ингичка бўйин
Гоҳ етиб, гоҳ етмай, кўрмадик тўйин.
Улмасайди... буюк бўларди тайин
Йиғим ўлаётган болалар учун,

Ичиб, учиб ётган боболари деб
Тўзғиб, кўчиб ётган боболари деб
Бир-бирини сотган боболари деб
Тўлов тўлаётган болалар учун.

Ёраб, тиш ботирмай бўлмасми юриб
Одамлар-ку, эмас, қашқир уюри
Бирининг зулмидан бириси қуриб
Қақшаб кетаётган болалар учун.

Ишонч йўқ, имону, ҳаж, додларига
Жаҳолат муҳр урган каж ёдларига
Бир-бирни қирганда, аждодларига
Ўхшаб кетаётган болалар учун.

Ёмон бир ўй

Уни бугун тепкилашди
Обдон тепишди.
Бир, икки, уч... бешов бўлиб
Олтовлон бўлиб.

Ҳушдан кетди, сув сепишди
Тағин тепишди
Навбат билан, гоҳ бенавбат
Оломон бўлиб.

У яшин урган ниҳолдай
Гоҳ қад тиклар тик
Гоҳ йиқилар, маст қийқириқ,
Минги кулади.

Машъум жарнинг қирғоғига
Тирмашган шўрлик
Сўнгги тепки зарби билан
Жарга қулади.

Кузатаман, лабларимда
Аччиқ шўру, талх
Ёмон бир ўй ўта бошлар
Кўнглимдан сизиб...

Бир ожизин мингта зўри
Тепкилаган халқ
Халқ бўлмагай,
Ер юзида қолмагай изи...

Ёлғиз қолдирма

Кўкда ёлғиз ой йиғлаб кетар,
Ёлғиз қуёш, дил тиғлаб кетар,
Ваҳималар уруғлаб кетар,
Болам, мени ёлғиз қолдирма.

Мушфиққина қушим, маъюсим,
Бор туриш тўзғимас тўзим,
Ҳамон сенга фармойиш, сўзим,
Онам, мени ёлғиз қолдирма.

Жим-жим эдим, жайрон бўлдим мен,
Сим-сим эдим, сайрон бўлдим мен,
Сенинг билан комрон бўлдим мен,
Ёрим, мени ёлғиз қолдирма.

Ғавжум кўча, ёлғиз қолдирма,
Равшан кеча, ёлғиз қолдирма.
Одам тоқ келади тоқ кетар,
Ушангача ёлғиз қолдирма.

Омон бўлинг

Бу дунёнинг бори йўлдир
Бу йўлларда тузоқ мўлдир
Йўл бошида сўзим шулдир
Омон бўлинг, омон бўлинг.

Кўзингизга тортса ҳам мил
Кўпригингиз бўлса ҳам қил
Номард билан топишманг тил
Сарсон бўлинг, сарсон бўлинг.

Нопок кетса ердаги жанг
Майли, бўлсин ҳолингиз танг
Ҳеч бозоргир бўла кўрманг
Арзон бўлинг, арзон бўлинг.

Ҳар дарзни тез ёпмоқ учун
Тўрт ён илдам чопмоқ учун
Ҳар шоҳга йўл топмоқ учун
Беюз бўлинг, бежон бўлинг.

Ҳар бир овга қош-кўз бўлиб
Ғолиб ёвга Сиз ўз бўлиб
Тана бўлса Сиз пўст бўлиб
Фақат енгган томон бўлинг.

Менам одам, эмас Хизр
Ҳар ким ўз билганин тузур
Шеърим тегиб кетса узр,
Омон бўлинг, омон бўлинг.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ

кафедралар бўйича бўш вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: статистика, иқтисодий информатика ва АСУ, халқ хўжалиги тарихи ва иқтисодий таълим;

профессорлар: ҳисоблаш техникаси (2), моддий ресурсларни бошқариш ва улгуржи савдони ташкил этиш, олий математика (2), статистика, иқтисодий кибернетика (2);

доцентлар: иқтисодиёт ва саноатни режалаштириш, иқтисодиёт ва меҳнат иқтисодиёти, технологиялар системалари (2), илмий социализм (2), этика, эстетика ва маданият тарихи (2), умумиқтисодий мутахассисликларда сиёсий иқтисод (2), моддий ресурсларни бошқариш ва улгуржи савдони ташкил этиш, ҳисоб-китоб, назорат ва халқ хўжалиги тармоқларида хўжалик фаолияти таҳлили (2), олий математика (3), савдо иқтисоди, фалсафа (4), ҳисоб-китоб-иқтисодий ихтисосликларда сиёсий иқтисод, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишни режалаштириш (4). Агросаноат комплекси иқтисодиёти ва уни режалаштириш (2), статистика, эҳтимоллик назарияси, хўжалик тарихи ва иқтисодий таълим, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти, фалсафа (3), ижтимоий-сиёсий тарих;

катта ўқитувчилар: ҳисоб-китоб, назорат ва ижтимоий соҳада хўжалик фаолияти таҳлили (2), халқ хўжалиги тармоқларида хўжалик фаолияти ҳисоб-китоби, назорат ва таҳлил, олий математика (2), иқтисодий ва ижтимоий ривожланишни режалаштириш, ижтимоий-сиёсий тарих, эҳтимоллик назарияси, халқ хўжалиги ва иқтисодий таълим тарихи (2), молия (2), саноат иқтисоди ва уни ривожлантириш, илмий социализм, умумиқтисодий ихтисосликларда сиёсий иқтисод;

ассистентлар: этика, эстетика ва маданият тарихи (2), халқ хўжалиги тармоқларида хўжалик фаолияти ҳисоб-китоби, назорат ва таҳлил, иқтисодий кибернетика, савдо иқтисоди (2), ҳисоб-китоб-молия ихтисосликларида сиёсий иқтисод, агросаноат комплекси иқтисоди ва уни режалаштириш (4), статистика, хўжалик механизмини бошқариш, молия, товаршунослик (2), ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти;

ўқитувчилар: чет тил тариқасида рус тили, жисмоний тарбия (5).

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Бизнинг манзил: 700063, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 49-уй.

Т. Н. ҚОРИ-НИЕЗИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

1990 йил учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА АСПИРАНТУРАГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН АЖРАЛГАН ҲОЛДА: педагогика назарияси за тарихи; математика, физика, умумтехника фанлари, тасвирий санъат ихтисослари бўйича ўқитиш методикаси.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН АЖРАЛМАГАН ҲОЛДА: педагогика назарияси ва тарихи; ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, тасвирий санъат ихтисослари бўйича ўқитиш методикаси.

Танланган соҳа ихтисослиги бўйича, камида икки йиллик амалий иш тажрибасига эга бўлган мутахассислар, шунингдек, фақат олий ўқув юрти (факультет) илмий кенгашининг тавсияномаси асосида ёш мутахассислар институтни бевосита битирган зоҳати конкурс имтиҳонларида иштирок этишга қўйиладилар.

Аспирантурага кирувчилар учун зарур ҳужжатлар рўйхати: директор номига ариза, кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, таржимаи ҳоли, иш жойидан сифатнома-тавсиянома, эълон қилинган илмий ишлари рўйхати ёки реферат (машинкаланган, камида 20 саҳифалик иш), бевосита олий ўқув юртини битиргандан кейин аспирантурада ўқишга тавсия этилган шахслар учун илмий кенгаш йиғилишининг қароридан кўчирма; диплом (синов дафтарчасидан кўчирма билан бирга) ва меҳнат дафтарчасининг нусҳалари, 3х4 см. катталиқдаги 2 та фотосурат, топширилган номзодлик имтиҳонлари мавжудлигида белгиланган андозадаги гувоҳнома.

ҲУЖЖАТЛАР 1 ИЮНГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Институт маскани: 700003, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 174-уй. Аспирантура бўлими телефони: 45-66-44.

Транспорт: 7, 11, 32, 51-автобуслар; 2, 3, 6, 12, 14-троллейбусларнинг «Комсомол майдони» бекати.

Видеомагнитофон сотиб олувчилар

ДИҚҚАТИГА!

Тошкент

«ЭЛЕКТРОНИКА»

фирмали магазин салони магнитафонларни якшанбадан ташқари ҳар куни соат 10 дан 17 гача

СОТАДИ

Видеомагнитафонларни харид қилиш учун видеомагнитафонларнинг маркаси кўрсатилган, район ижроия комитетининг раиси томонидан имзоланган ва гербли муҳр билан тасдиқланган харидорлар рўйхати, жамғармалар банки томонидан магнитафонларнинг маркасига боғлиқ ҳолда 1200 сўм ёки 3000 сўмга ёзиб берилган чеки ва паспорт бўлиши лозим.

Видеомагнитофонни шахсан олишнинг иложи бўлмаса, ишонч қоғози натариус ёки қишлоқ советининг раиси томонидан тасдиқланиши лозим.

1 июндан бошлаб магазин видеомагнитофонларни фақат ойнахат орқали чақириқ ёки 33-78-34, 33-63-26 телефонлари бўйича олдиндан келишувга кўра сотади.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 38-уй.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси

БИОХИМИЯ ИНСТИТУТИ

бўш лавозимларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

лаборатория мудири: радиацион биотехнология;

лаборатория кичик илмий ходими: биологик мембраналарнинг таркибий тузилиши.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун.

Мурожаат учун манзил: 700125, Тошкент шаҳри, М. Горький проспекти, 56-уй.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги жамоаси Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фан бошқармасининг бош мутахассиси Қ. А. Қосимовга онаси

Адашхон ҚОСИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат университети ректорати, партия комитети ва ҳуқуқшунослик факультети жамоаси жиноий жараён кафедраси доценти

Маъмуржон Тешабоевич ҲУСАНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент Политехникуми жамоаси собиқ директор

Мунаввар ШОМАНСУРОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

СПОРТ

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА:

МУНОСИБ ҲИССА

Қозоғистон пойтахтида Урта Осиё жумуриятлари спортчилари ўртасида ўтказилган анъанавий мусобақада Ўзбекистон вакилларининг команда ҳисобида биринчиликни эгаллашгани ҳақида хабар қилган эдик. Қуйида ана шу муваффақиятни таъминлашда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшган спортчилар кўрсатган натижаларнинг баъзилари билан таништирамиз. Чунончи, Дамир Тошпўлатов узунликка сакраш бўйича 7,64 метрли натижа билан ғалаба қозонган бўлса, лангар билан сакраган Вячеслав Арестов 540 сантиметрли маррани эгаллади. Виктор Зайцев найзани 73 метр 38 сантиметрга улоқтирди. Қизларимиз 4х100, йигитлар 4х400 метрга эстафетали югуришда ғалаба қозонишди.

ФУТБОЛ:

ПЕШҚАДАМ ЎЗГАРДИ

Биринчи лига коллективлари ўртасида ўтказилган икки учрашувдан кейин пешқадам ўрни ўзгарди. Ставрополь динамочилари «Кубань» коллективини 3:1 ҳисобида ютиб, 12 очко билан биринчи ўринга кўтарилишди. «Металлург» ҳисобида ҳам шунча очко бор. Бу команда кеча «Котайк» коллективини қабул қилди. Пойтахт темирйўлчилари, «Шинник», «Геолог» ва пахтакорчиларда 11 тадан очко тўпланган.

Шарқий зонадаги иккинчи лига коллективлари ўртасида учрашувлар бўлди. Республикамиз командалари иштирокидаги учрашувлар натижаси билан танишинг: «Сурхон» — «Химик»—1:1, «Сўғдиёна» — «Навбаҳор» —1:1, «Мелиоратор» — «Спартак» — 3:0, «Нефтяник» — «Копетдог» — 2:0, «Автомобилист»— «Зарафшон» — 1:0.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ. Янгийўл шаҳрида ташкил этилган «Заррин япроқлар» ўзбек фольклор-этнографик ансамбли қатнашчилари шинавандаларнинг олқишига сазовор бўлмоқда.

Суратда: «Заррин япроқлар» ансамблининг навбатдаги чиқишлари.

Суратни Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган. (ЎзТАГ).

Рассом асарлари

● Навоий номи билан аталадиган Давлат адабиёт музейи ташаббуси билан кўплаб адабий, бадиий ва ижодий анжуманлар ўтказилмоқда. Шу муносабат билан Тошкент шаҳар Бош ўқув комбинати адабиёт музейи билан ҳамкорликда истеъдодли мусаввир Темур Саъдуллаев ижоди кўргазмасини уюштирди.

Комбинатнинг кўргазмалар залида бир ойдан ортиқроқ давом этган ўзига хос кўрик санъат мухлисларида қизиқиш уйғотди. Кўргазмада рассомнинг ранг-тасвир ва китоб графикасига оид 60 дан зиёд асарлари намойиш этилди. Айниқса, рассомнинг Алишер Навоий ижодидан руҳланиб яратган «Ҳайратул-аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр», «Садди Искандарий» каби асарлари мухлислар қалбидан мустаҳкам ўрин олди. Зеро, Навоий адабий мероси рассом ижодида етакчи мавзу.

Шунингдек, «Алишер Навоий», «Ҳаёт фалсафаси», «Оналик», «Қизим Нурхон», «Индира Ганди», «Озарбайжонлик йигит» сингари асарлар рассомнинг замонавий мавзуларда ҳам баракали ижод қилаётганидан далолатдир.

П. АБДУЛЛАЕВ.

Саломатлик—туман бойлик

СИЗ ҚАНЧА ЯШАЙСИЗ?

Бу, турмуш тарзингизнинг кўпгина шароитларига, хусусан баъзи одатларингизга боғлиқдир. Америкалик тиббиёт олимининг бу борадаги мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этамиз. Фақат саволларга аниқ ва самимий жавоб беришга ҳаракат қилинг. Баъзилари ҳақида жиддийроқ ўйлаш лозим. Ким билади дейсиз, яшаш тарзингизга бошқачароқ тус беришга тўғри келар. Ҳозир сиз 20 ёки 50 ёшга кирганингизнинг аҳамияти йўқ. Муҳими, беъмани одатлардан қанча эртароқ ҳоли бўлсангиз, шунча яхши бўлади.

Шундай қилиб, умри ўртача давом этадиган кишининг ёшини 72 рақами билан белгилайлик. Шу рақамдан жавобларингизга мувофиқ зарур очколарни олиб ташлаш ёки қўшиб бориш керак бўлади.

Агар сиз эркак бўлсангиз 72 дан 3 ни олиб ташланг. Аёллар шу рақамга 4 ни қўшиб, эрканларга нисбатан яна 7 йил кўпроқ умр кўришлари мумкин бўлади. Бинобарин, эркакларнинг ўртача умри 69, аёлларники 76 атрофида бўлиши мумкин.

Агар сиз миллион кишилик шаҳарда истиқомат қилсангиз 2 йилни олиб ташланг, Ақлий меҳнат билан машғул қишилар ҳам умум рақамни 3 та камайтиришлари лозим.

10000 аҳоли яшайдиган жойда истиқомат қилсангиз 2 йил қўшинг.

Агар спорт билан ҳафтасига беш марта шуғулланадиган бўлсангиз 4 йил, ҳафтасига икки-уч марта шуғулланса-нгиз 2 йил қўшилади.

Агар уйланган бўлсангиз (турмуш қурган ёки шунинг ҳаракатида бўлсангиз) 5 йил қўшинг. Бўлмаса 25 ёшингиздан бошлаб ҳар ўн йиллик умрингиздан бир йилини камайтиришга тўғри келади.

Борди-ю кунига 10 соатдан ухлайдиган бўлсангиз 4 йилга қисқартиринг, 7—8 соатдан дам олсангиз камайтирмаслик керак.

Агар ёмон ухласангиз уч йилга камайтиринг. Қаттиқ чарчашлик ва узоқ ухлашлик ёмон қон алмашинишининг аломатидир.

Асабингиз чатоқ, жаҳлдор бўлсангиз 3 йилга камайтиринг. Босиқ ва вазмин бўлсангиз, уч йилга кўпайтиринг.

Агар бахтиёр бўлсангиз 1 йил қўшинг, бахтсизлар 2 йилни камайтириши лозим.

Машина бошқаришда кўпроқ қоидабузарлик қилсангиз 1 йил олиб ташланг.

Ҳамиша пулингиз етмай, қаердандир топиш ҳаракатида бўлсангиз икки йилни олиб ташланг.

Агар маълумотингиз ўрта бўлса 1 йил, олий бўлса 2 йил қўшинг.

Агар сиз пенсияда бўлиб, меҳнат қилаётган бўлсангиз 3 йил қўшинг.

Агар бувингиз (бобонгиз) 85 ёшгача умр кўрган бўлса 2 йил, улар 80 қоралаган бўлишса, 4 йил қўшинг, борди-ю улардан бири тўсатдан ўлган бўлса (50 ёшга етмай инсульт ёки инфарктдан) 4 йилга камайтиринг.

Қариндош-уруғларингиздан бирортаси 50 ёшга тўлмай рак дан ўлган бўлса, 3 йилга камайтиринг.

Агар кунига 3 пачка сигарета чекадиган бўлсангиз 8 йил, 1 пачка бўлса 6 йил, ундан камроғи 3 йилни бекор қилади.

Агар сиз ҳар куни бир томчи бўлса-да, спиртли ичимликка ружу қиладиган бўлсангиз 1 йил олиб ташланг.

Агар сизнинг вазнингиз ёшингиз ва бўйингизга қараганда 20 килограмм ортиқ бўлса 8 йил, 15—20 килограмм бўлса 4 йил, 5—15 килограмм бўлса 2 йилга камайтиринг.

Агар 40 ёшдан ошган эркак бўлсангиз ҳар йили медицина кўригидан ўтиб туринг ва 2 йил қўшинг.

Агар 30-40 ёшда бўлсангиз 2 йил, 40—50 ёшдагилар 3 йил, 50 ёшдан ошганлар тўрт йил қўшиши мумкин.

Умумий ҳисоб-китоблардан кейин юзага келадиган якуний сон сизнинг ёшингизни белгилайди. Албатта, сиз уни кўпайтириш учун яшаш тарзингизни янада яхшилашга ҳаракат қилинг.

(«Неделя»дан).

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 23/V да **Корсар.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 21/V да **Шайтон ва муридлар**, 23/V да **Кампир кетарниш.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/V. да **Найнов ва пакана** (19.00), 22/V да **Майсаранинг иши** (19.00), 23/V да **Стасининг қизи** (15, 19.00).

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 04268. № 115. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12